

Ҳар кунимиз ҳайит бўлсин!



Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида, у (мадиналик)ларнинг икки байрами бўлиб, улар ўша кунларда ўйин-кулги қилишар эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Бу икки кун қандай кун?”** деб сўрадилар. Улар: “Биз жоҳилиятда шу кунлари ўйин-кулги қилар эдик”, дейишди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Албатта, Аллоҳ сизларга у иккиси ўрнига улардан кўра яхшироқ – Азҳо (Қурбон ҳайити) ва Фитр (Рамазон ҳайити) кунларини берди”**, дедилар (*“Сунан” эгалари ривоят қилишган*).

Тонгдан масжидлар ҳайит намозини адо этишга келганлар билан тўлади. Аёл-қизлар эса қуёш чиқмай туриб ҳовли, кўчаларни тозалаб қўйишади. Масжидга бораётганлар бу озодалиқдан баҳра оладилар. Бир-биримизни ҳайит билан табриклаймиз. Дастурхонлар тўкин, таниш-нотанишлар эса ширинсўз, меҳрибон бўлишади. Айниқса, болажонлар бу кунда ҳадялар олиб, қувнашади. Қариндошлар дийдорлашади.

Бироқ ҳайитни байрам қилиш ўрнига, уни аздай ўтказадиганлар ҳам бор. Масалан, бирор инсон вафот этса, “Биринчи ҳайитлик”, “Иккинчи ҳайитлик” дея таъзия маъракалари қилиш ҳолатлари учрайди.

Ҳайит кунлари қабристонга бориш ҳам дуруст эмас.

Айрим ҳудудларда келин томонидан ҳайитлик дея тоғора-тоғора овқатлар, қимматбаҳо буюмлар юборилади. Айниқса, юкли келиннинг меҳмон кутиши, тез-тез “келинсалом” қилиши унинг саломатлигига жиддий зарар етказиши мумкин.

Азиза опанинг ҳам бошига шундай иш тушди. Эрига қандай айтади? Олим ака: “Онаси, бу ой биров қийналамиз, ойлигим билан тўйдаги қарзларни ёпамиз”, деган эди. Қизи келиб, қайнонаси ҳар гапида қўшни келиннинг ўтган йилги ҳайитлигини мақтаётганини, улардан ҳам шуни кутаётганини айтиб кетди. Ўн-та тоғораю бошдан-оёқ сарпо бўлмаса ҳам, жилла қурса, ярмини жўнатиш керак. Қизининг: “Ойи, ҳайитлик олиб келасизми?” дейишидан масала жиддий эканини англади. Эрига айтди ва... Кечқурун қизига қўнғироқ қилди: “Дадангинг қон босими ошди. Ҳозир шифохонадамиз...”

Афсуски, бундай ҳолатлар кам эмас. Рўзғорига оғирлик қилган кераксиз талаблардан

кимнингдир тоби қочса, баъзан бу иллат ажримларга, қариндошлик ришталари узилишига сабаб бўлмоқда.

Амр ибн Ясрибий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Мусулмон кишининг кўнғилдан чиқариб бермаган моли (олувчи учун) ҳалол бўлмайди”**, деганлар (*Имом Ҳоким ривояти*). Бир ўйлаб кўрайлик, тўй қилганига ҳеч қанча вақт бўлмай, яна тоғоралар, сарполар қилишга ким ҳам рози бўларди?

Бу ҳолатларни бартараф этишга ҳаракат қилиняпти. Лекин муаммолар ҳамон оз эмас. Тарғибот ишларини кўпайтириб, имом-хатиблар, отинойилар салбий иллатларни бартараф этишга ҳисса қўшишяпти. Амалларимизнинг гўзал бўлиши ўзимизнинг ихлосимиз, нафсимизни ҳой-ҳаваслардан тия олишимизга боғлиқ. Рамазон ҳайитини суннатга мувофиқ ўтказайлик. Иншоаллоҳ, бунинг учун ҳам ажру мукофотга сазовор бўламиз.


Мансура МЕЛИБОЕВА,
*Сирдарё вилояти
бош отинойиси*

Мундафижа

Ҳар кунимиз ҳайит бўлсин!.....	1
Тил тиғдан ўткир, ёлғон эса... ..	3
Эркаклар оилада раҳбардирлар.....	4
Икки “қизил”нинг маҳлиёлари	6
Мўмин майса кабидир	8
Зарари оғудан ҳам ёмон.....	9
Ҳалолига қаноат – фарзандларга саодат... ..	10
Намознинг вожиблари қайсилар?	12
Қалбим нега хотиржам бўлди?	14
Эй қизим!	15
Ислоҳни ўзингиздан бошланг	16
Бувим ва бугун... ..	17
Икки дунёнгизни куйдирманг.....	18
Фолбин – иймонини сотган гадо.....	18
Аллоҳнинг марҳамати.....	19
Икки авлод муаллимаси.....	21
Сабот	22
Онани ранжитиш – кўрнамаклар иши.....	23
Ҳомиласи билиниб қолган эди... ..	24
Либосимиз – ўзлимиз кўзгуси	26
Яхшилик иморати йиқилмас	27
Ҳар куни қандай савоб топасиз?.....	28
Қандай билсам бўлади?	29
Қариндошликнинг қиймати.....	30
Кўшнилари ҳақини унутмайлик.....	31
“Илиқулди”да фойдали	32

Манбаларда айтилишича, олдинги замонларда оналар боласини эмизмоқчи бўлишса, «Бисмиллоҳ»ни айтиб, гўдаги улғайганида улуғ инсон бўлишини ният қилиб, сўнг унга кўкрак тутишган. Шижоатли жангчи, ё кучли олим ёки маҳоратли йўлбошчи бўлишини кўнглидан ўтказишган. Шу тўғрисида халқимиздан буюклар кўп етишиб чиққан.

Бугунги аёлларимиз эса, болаларини кўпинча ухлатиш ниятида эмизишди. Балки шунинг учун кўпчилигимизда ғафлат ҳамон кучлидир...





Тил тигдан ўткир, ёлғон эса...

Устозим айтиб қолди: «“Сидқ” сўзининг моҳиятини талабаларга тушунтиришга уриниб кўрдим, аммо улар ёлғон гапириш мумкин эмас, деган оддий ҳақиқатни тушуна олишмади».

Устознинг гаплари ҳақиқат. Жамиятни кузатсак, ҳар қадамда ёлғонга дуч келамиз. Болалар кўпинча катталардан кўрққанидан, жазоланишдан қочиб, ёлғон сўзлашади. Эркаклар эса ишдаги масъулиятни зиммасидан соқит қилиш учун ёлғон гапиради. Аёллар ҳам кўпинча ёлғондан “насибадор”, бўлиб қолади. Ажабланарлиси, улар ўзларини ёлғончи деб ҳисобламайди.

Холбуки, фақат уч ўринда: урушда, эр ё хотиннинг муро-са учун гапирган ёлғонида ва икки кишини яраштиришда айтилган ёлғон гуноҳ бўлмайди. Қолган ўринларда узр йўқ. Набий алайҳиссалом: **“Ким менга икки оёғи орасидаги нарсанинг кафолатини берса, мен унга жаннатнинг кафолатини бераман”**, деганлар (Имом Бухорий ва Имом Термизий ривояти).

Инсон ҳар гал оғиз жуфтлаганида тилининг тигдан ҳам ўткирлигини, айтмаган гапига ҳоким, айтган гапига маҳкум эканини ич-ичидан ҳис қилиши лозим.

Бир марта ёлғон гапириш-ни эплаган тил иккинчи марта ҳам ёлғон сўзлай олади. Бо-

ра-бора бу тилга ёлғон гапириш осон бўлиб қолади.

Олимлар тил офатларидан ҳисобланадиган ёлғоннинг икки тури борлигини айтишган:



- 1) асли йўқ нарсани тўқиш;
- 2) асл маънони ўзгартириб юборадиган даражада қўшимча қўшиш ёки нуқсон етказиш.

Аёлларнинг ёлғонлари кундалик турмушдаги тафсилотлар билан боғлиқ. Масалан, вояга етган қизини мақтаётган она, аслида, ундай бўлмаса ҳам, рўзғор юмушлари юз фоиз қизининг зиммасига юклаб қўйганини айтади. Ёки эрининг қариндошлари муомаласини дугонасига анча-мунча “бўрттириб” сўзлайди. Ё эрининг танбеҳ беришидан омон қолиш учун унга фарзандининг беланчакдан йиқилиб тушганини айтиш ўрнига “Бошини қаёққадир уриб олибди”, деб қўя қолиши мумкин. Нима бўлган тақдирда ҳам, бу каби ҳолатларнинг ҳеч бири-ни оқлаб бўлмайди.

Маълумотларга қараганда, аёлларнинг 38 фоизи вазиятни ўзи томонига оғдириш

учун, 36 фоизи эса, бошқа бировни ранжитмаслик учун ёлғон гапиришни ўринли ҳисобларкан. 13 фоиз аёллар муаммони ҳал қилишда ёлғонни ёрдамчи деб билса, 55 фоизи “майда-чуйда гаплар”даги ёлғонни ёлғон ҳисобламас экан. Яна аёлларнинг 71 фоизи хато қилганида, 33 фоизи ноқулай вазиятлардан қутулиш учун, қолганлари эса, бошқаларда ёмон таассурот қолдирмаслик учун ёлғон гапиришар экан.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: **“Ёлғон сўзларни фақат Аллоҳнинг оятларига иймон келтирмайдиганларгина тўқийдилар. Айнан ўшаларнинг ўзлари ёлғончилардир”** (Наҳл сураси, 105-оят), дейди.

Сафвон ибн Сулайм розияллоху анҳу айтади: «“Ё Расулуллоҳ! Мўмин кўрқоқ бўладими?” деб сўралди. **“Ҳа”**, дедилар. “Ё Расулуллоҳ! Мўмин бахил бўладими?” деб сўралди. **“Ҳа”**, дедилар. “Ё Расулуллоҳ! Мўмин ёлғончи бўладими?” деб сўралди. **“Йўқ”**, дедилар» (Имом Молик ривояти).

Қайс ибн Абу Ҳозим айтади: «Абу Бакр розияллоху анҳунинг “Ёлғондан ҳазир бўлинглар! Ёлғон, албатта, иймондан четлатувчидир”, деганини эшитдим» (Имом Байҳақий ривояти).

Мавжуда АБДУЛЛОҲ қизи

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
الرِّجَالُ قَوَّامُونَ عَلَى النِّسَاءِ بِمَا فَضَّلَ اللَّهُ
بَعْضَهُمْ عَلَى بَعْضٍ وَبِمَا أَنْفَقُوا مِنْ أَمْوَالِهِمْ

«Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) қоим турувчилардир. Сабаб – Аллоҳ уларнинг айримлари (эркаклар)ни айримлари (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) ортиқ қилгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришлари дир. (Аёллар ичида) солиҳалари – бу (Аллоҳга ва эрига) итоатли, ғойибга Аллоҳ сақлаганича ҳимоятли (яъни, эрларининг сирлари, мулклари ва обрўларини сақловчи)лардир. Хотинларнинг итоатсизлигидан қўрқсангиз, аввало, уларга насиҳат қилингиз, сўнгра (бу таъсир қилмаса,) уларни ўринларда (алоқасиз) тарк этингиз, сўнгра (бу ҳам қор қилмаса) уларни (мажруҳ бўлмагудек даражада) урингиз. Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши (бошқача) йўл ахтармангиз. Албатта, Аллоҳ олий ва улуғ Зотдир» (Нисо сураси, 34-оят).

Таъвил аҳли айтади: “Оят эрлар борасида нозил бўлган”. Бунинг далили Аллоҳ

таолонинг “...мол-мулкларидан сарф қилиб туришлари дир” деган сўзидир. Аёлларнинг нафақасига эр-

нинг бирини иккинчисидан устун қилгани ҳақида хабар бермоқда”. Зеро, Парвардигор эркакларни касб-корли,

тижорат ва ҳунармандчилик билан шуғулланадиган, шаҳар ва давлатларни кезиб юрадиган қилиб яратди. Аёллар бу хусусиятга эга эмаслар.

Қизларини, яқинларини турмушга

бериш бўйича валийларга Аллоҳ таолонинг ушбу амри бундай тушунилади: “**Ораларингиздаги никоҳсизларни ва қулу чўриларингиздан солиҳларини никоҳлаб қўйинг**” (Нур сураси, 32-оят).

Қуйидаги оятда қайта никоҳланишни ман этишдан Аллоҳ таоло уларни қайтариши бундай тушунилади: “**...Эрларига қайта никоҳланишларини ман қилиб, қийинлаштирманг**” (Бақара сураси, 232-оят). Бу нарсаларга бош-қош бўлиш аёллардан кўра эркаклар зиммасидаги масъулиятдир. Чунки бунга гувоҳ бўлишлари учун эркакларнинг мажлиси ва жамоаси олдига бориш зарурати бор. Шу боис мазкур масъулиятли ишларга эркаклар валий, масъул

Эркаклар оилада раҳбардирлар

лар масъулдирлар. Мазкур оятдан аёлнинг нафақаси эрининг зиммасида экани англашилади.

Баъзи аҳли илмлар: “Бу оят валийсиз никоҳ дуруст бўлмаслигига далилдир. Чунки Аллоҳ таоло оятда эркакларни аёлларга раҳбар қилиб белгилади”, дейишган.

Бу қарашга раддия сифатида бундай дейилади: “Ояти карима, айтганингиздек, эр ва валийлар борасида бўлса, унда валийсиз аёлнинг турмушга чиқиши жоизлигига далил бордир. Сабаби, Аллоҳ таоло бундай деган: “**Аллоҳ баъзиларини баъзиларидан устун қилгани ва молларидан сарфлаганлари учун эркаклар аёлларга раҳбардирлар**”. Аллоҳ таоло оятда инсонлар-

қилинганлар. Шу боис аёлларда маблағ бўлмаса, уларнинг нафақаси маҳрамлари зиммасига юклатилган.

Аёллар заифа, ожиза қилиб яратилганлари сабабли уларнинг ризқ-рўзи, кийим-кечаги эрлари зиммасига юклатилган. Аллоҳ таоло маҳрамлардан баъзисининг нафақасини баъзи эркаклар зиммасига юкламаганида эди, айрим кишилар касб-кор билан шуғуллана олмай, оч-наҳор қолиб кетар эди. Мисол учун, бир киши сурункали касал бўлиб, касб-ҳунар билан шуғуллана олмаса, унинг нафақаси яқинлари зиммасига юкланади.

Ибн Аббос розияллоху анхумо Аллоҳ таолонинг **“Аллоҳ баъзиларини баъзиларидан устун қилгани ва молларидан сарфлаганлари учун эркаклар аёлларга раҳбардирлар”** сўзи борасида бундай деган: “Аллоҳ таоло эрга итоат қилиш борасида нимага амр этган бўлса, аёллар шунга итоат қилишлари шарт. Эрнинг бу борадаги Аллоҳга тоати эса аҳлига инфоқ қилиши, ҳифзу ҳимоясига олиши, нафақаси ва эътибори биландир”.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Жаброил алайҳиссалом тушганини кўриб: “Шошмай тур, Жаброил сенинг ишинга тегиш-

ли нима олиб келди экан, кўрайлик-чи”, дейдилар. Жаброил алайҳиссалом ўшанда мазкур оятни олиб келади: **“Аллоҳ баъзиларини баъзиларидан устун қилгани ва молларидан сарфлаганлари учун эркаклар аёлларга раҳбардирлар”**. Яъни, эркаклар аёл-



ларни ҳақ йўлда тарбиялашга масъулдирлар.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бундай деганлар: **“Биз бир ишни ирода қилдик. Аллоҳ таоло ҳам бир ишни ирода қилди. Бироқ Аллоҳ таоло ирода қилган нарса бизнинг иродамиздан хайрлидир”**.

“...Молларидан сарфлаганлари учун...” Яъни, эркакларга аёлларнинг маҳрини, нафақасини берганлари учун аёллар устидан масъулдирлар, раҳбардирлар. Имом Шофеъий раҳматул-

лоҳи алайҳ валийсиз никоҳ жоиз эмаслигига Аллоҳ таолонинг **“эркаклар аёлларга раҳбардирлар”** оятини далил қилиб келтирган. У оятнинг таъвилини айни шу маънога бурган.

“...Молларидан сарфлаганлари учун...” ояти, Имом Шофеъийга кўра, аёлларнинг нафақаси валийлар зиммасида бўлиб қолади. Имом Шофеъий: «Агар ояти карима валийлар ҳақида бўлганида эди, у “Ҳар бир ишда аёлларнинг валийларга эҳтиёжи бор”, деган маъно келиб чиқарди. Валийлар аёлларнинг барча битимларига бошқош бўлишлари зарур бўлиб чиқади. Яъни, валийлар аёлларнинг кафолатига ҳам, кифоятига ҳам масъул

бўладилар. Аёлларнинг ўзлари бунга масъул бўлмайдилар. Агар бўлсалар, уларнинг феъли ботил бўлади. Никоҳ ҳам худди шундай”, деган».

Шофеъийлардан фарқли равишда таъвил аҳли оятни “эрлар”га тегишли дейдилар. Ҳақиқатан, ояти карима тадаббур қилинса, аҳли таъвил талқини устун экани маълум бўлади.

Имом Мотуридийнинг
“Таъвилотул Қуръон”
асаридан

Абдулатиф АЛЛОҚУЛОВ
таржимаси.

“Икки қизил” нинг маҳлиёлари

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **“Жаннатга назар солдим. Қарасам, уларнинг кўпи фақирлар экан. Дўзахга назар солдим. Қарасам, уларнинг аксари бойлар ва аёллар экан. Дўзах аҳлининг кўпи аёллар эканини кўриб, сўрадим: “Аёллар қайси амали билан бу ҳолга тушди?” Айтилди: “Уларни икки қизил: тилла ва заъфарон¹ маҳлиё қилиб қўйди”** (Аҳмад ибн Ҳанбал, “Муснад”).

Ён-атрофимизга назар солсак, юқоридаги ҳадиснинг ҳаётдаги тасдиғи бисёр. Аёлларнинг баъзилари тилла тақинчоқ ғамлаш орзусида, баъзилари эса уст-бошини тез-тез янгилаш билан овора. Айримлар уй-рўзғор буюмларининг энг сарасидан фойдаланишда, айримлар эса уй-жойига ҳашам беришда ким ўзар. Шу боис меҳмонга ёзиладиган дастурхондан тортиб, идиш-товоклару девор сувоқларигача тез-тез урф алмашиб, янгиланиб туради.

Атир-упа шайдолари ҳам талайгина. Юзига оро бермасликни яланғоч қолишдек нокулай ҳисоблайдиганлар бор орамизда. Уйда, ибодат чоғида, турмуш ўртоғимизнинг кайфиятини кўтариш учун ёқимли ифор таратишга ошиқишимиз мақсадга мувофиқ, биз эса кўчага чиқишдан аввал хушбўйланиш тараддудига тушамиз.

Бугунги кунга келиб кийим-кечак ва уй-рўзғор жиҳозларида аёлларимизнинг дидлари “ўт-кирлашиб”, таъблари “нозиклашиб”, эҳтиёжлари тобора ортиб кетди. Беш кунлик дунё матоҳларига бўлган талаб авжида. Фикру зикримиз адоғи кўринмайдиган ўткинчи дунё ҳаваслари билан банд. Ваҳоланки, бу борада Раббимизнинг эслатмаси бор: “(Эй инсонлар), **сизлар то қабрларни зиёрат қилгунларингизча** (яъни, ўлиб қабрга киргунларингизча) **сизларни** (мол-дунё) **тўплаб-қўпайтириш** (Аллоҳга тоат-ибодат қилишдан) **машғул қилди!**” (Такосур сураси, 1–2-оятлар).

Набийимиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам: **“Албатта, дунё – уйи йўқнинг уйи, мулки йўқнинг мулки. Ақли йўқ инсонгина уни йўғади”**, дея огоҳлантирганлар (Имом Термизий ва Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят).

Имом Ғаззолий “Ихёу улумид дин” асарининг “Фақр ва зуҳд” китобида уй жиҳозлари ҳақида шундай ёзади: “Бу борада зоҳидликнинг бир қанча даражалари бор. У даражаларнинг энг юқориси Исо алайҳиссаломнинг ҳолати. Чунки у зот ўзлари билан на тароқ, на сув идиш олиб юрардилар. Бармоқлари билан соқолини тараётган бир кишини кўргач, ёнларида тароқ олиб юришдан воз кечдилар. Ҳовучи билан дарёдан сув ичаётган одамни кўргач, сув идишлари-

ни улоқтирдилар. Бу ҳар бир уй жиҳозининг ҳукми. Чунки уй-рўзғор жиҳозлари фақат бир мақсад учун орзу қилинади. Токи инсон унга эғалик қилар экан, у бу дунёда ҳам, охирада ҳам инсоннинг бўйнига юк бўлади. Аммо инсон ундан беҳожат эмас, шунинг учун уларнинг энг қўйи даражаси билан қаноатланиш мақсадга мувофиқ. Сопол идиш кифоя қиладиган жойда идиш вази-фаси ана шу сопол идиш орқали бажарилади”.

Гарчи асардан иқтибос уй жиҳозлари борасидаги зоҳидликнинг энг юқори даражаси бўлса-да, ўз ҳолатимизни унга қиёслаб кўрайлик. Шундай қилсак, зоҳидликнинг энг қўйи даражаси ҳам биз учун орзулиги, исрофчилар сафидаги пешқадамлардан эканимиз яққол кўринади. Зора, шунда бироз бўлса-да, дунёдан тийилсак, ҳолимиздан ҳаё қилсак.

Исо алайҳиссалом бошларини тошга қўйиб уйқуга кетарканлар, шайтон у зотга: “Бу нима қилганинг? Дунёни тарк этмаганмидинг?” дея хитоб қилди. Исо алайҳиссалом: “Менда дунёга далолат қиладиган нима бор?” деб сўрадилар ундан. Шунда шайтон: “Тошни ёстиқ қилиб ётибсан-ку?” дея жавоб берди. Яъни, бу гапи билан у: “Ётганинда бошингни ердан кўтариб неъматланипсан”, демоқчи бўлди. Шунда Исо алайҳис-

¹ Заъфарондан ёқимли ҳид таратишда фойдаланилади.

салом тошни отиб юборди-да: “Сен учун бу иш дунёни тарк этмаслик бўлса, ма, уни олиб кет!” дедилар.

Исо алайҳиссалом зоҳидликда – дунёдан юз ўгиришда пешқадамлардан. У зот Аллоҳга севимли банда, улул азим пайғамбар бўлатуриб, дунёдан шу миқдорда кифояландилар. Пар ёстиқларимизни, пардаю тўшакларимизни русумига кўра ҳаялламай алмаштираётганимизда шуларни тафаккур қилиб, ийманайлик, уялайлик.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафардан келиб, Фотима розияллоҳу анҳонинг уйларига кирдилар. Унинг эшигига осилган парда ва қўлларига тақиб олган иккита кумуш билакузукка кўзлари тушиши билан қайтиб чиқиб кетдилар. Сўнгра Абу Рофий Фотима розияллоҳу анҳонинг уйлари олдидан ўтаётиб, унинг йиғлаётганини эшитиб қолди. Фотима розияллоҳу анҳони йиғлатган нарсаси Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ичкарига кирмасдан қайтиб чиқиб кетганлари эканини билган Абу Рофий Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб, чиқиб кетишларининг сабабини сўради. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Осилган парда ва иккита билакузук учун қайтиб чиқдим”**, дедилар. Шундан сўнг Фотима розияллоҳу анҳу ана шу икки билакузукни Билол розияллоҳу анҳудан Набий соллаллоҳу алайҳи ва сал-

ламга бериб юборди-да: “Иккаласини ҳам садақа қилдим, хоҳлаган жойларига сарфласинлар”, деди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Билолга: **“Ундай бўлса, бориб, билакузукларни сот-да, пулни суффа аҳлига бер!”** дедилар. Билол билакузукларни икки ярим дирҳамга сотиб, пуллари аҳли суффага берди. Бу воқеадан кейин Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Фотиманинг уйларига бориб: **“Эй Фотима! Отам ва онам сенга фидо бўлсин, яхши қилдинг. Сен мендансан!”** дедилар (Абу Толиб Маккий, “Қалблар озиғи”).

Мазкур воқеа уй тутишдаги мезонимиз бўлиши лозим.

Тасаввур қилинг, бир гуруҳ дўстларингиз уйингизга меҳмонга келиши керак. Бор маҳоратингизни ишга солиб дастурхон тузадингиз. Идиш-товоқларингиз, сочиғу пардаларингизгача энг сўнгги русумда. Ҳаяжондасиз. Меҳмонлар келишига оз фурсат қолди. Ва ниҳоят, эшик қўнғироғи ҳам жиринглади. Қизиқасиз: энг биринчи ким келди экан?.. Эшик очдингизу кутилмаган вазият қаршисида қолдингиз: остонада Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам турибдилар. Ҳайратдан вужудингиз тахтадек қотиб қолган. Аммо у зот уйингизга кирармиканлар?.. Отангиз уйингизга кирмай, остонадан қайтиб кетса, хафа бўлмайсизми?.. Пайғамбарингиз-чи?.. Тагин у зот

оламларга раҳмат қилиб юборилган бўлсалар-а...

Вазиятнинг қай даражада қалтислигини ҳис қиляпсизми? Агар, бироз бўлса-да, қилмишларингиздан ғашланган, орзуларингиздан ҳаё қилган бўлсангиз, Фотима розияллоҳу анҳунинг йўлини тутинг. Янгилamoқчи бўлган идиш-товоғингиз ва либосингиздан воз кечиб, бори билан қаноатланинг-да, қўли калтарoқ биродарингизнинг зарурий эҳтиёжига кўмаклашинг. Зора, сизнинг эҳсонингиз сабаб кимнингдир этиги бутланса, қозони қайнаса...

Бу борада қуйидаги воқеа ҳам ибратли. Бир киши Абу Зар Ғифорийнинг ёнига кириб, унинг уйига назар солди-да: “Эй Абу Зар, уйингизда ҳеч қандай мато кўринмайди. Уй-рўзғор буюмларига ҳам кўзим тушмади”, деди. Абу Зар: “Бизнинг бир уйимиз бор. Чиройли нарсаларнинг ҳаммасини у ерга юборамиз”, деди. Меҳмон: “Бу ерда яшар экансизлар, сизларга албатта баъзи нарсалар керак бўлади”, деди. Унга жавобан Абу Зар: “Бу уйнинг соҳиби бизни бу ерда қолдирмайди”, деди.

“Дунё” номли уй Соҳиби бизни ҳам бу ерда қолдирмайди. Шундай экан, кўзимизни қувнатадиган матоҳларнинг алдамчи оҳанжамасидан воз кечиб, мискинларнинг кўнглини яйратиш орқали абадий яшайдиган маконимизга совға юборишга одатланайлик.

Мунира НУРИДДИН қизи
тайёрлади.

Мўмин майса кабидир



Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: **“Мўмин майса кабидир. Шамол бир сафар эгса, бир сафар тик қолади. Фожир эса тик, қаттиқ арза дарахти кабидир. У бирданига қуриб қолади”** (Имом Бухорий ривояти).

Расулуллоҳ алайҳиссалом мўминни янги униб чиққан майсага ўхшатганлар. Майсанинг ажойиб жихати – шамол қайси тарафдан эсма-

син, унга шикаст етмайди. Мўминнинг майсага ўхшаш тарафи – қаршиликларга туриб бера олишидир.

Мўмин одам Аллоҳ таолонинг ҳар бир амрини қабул қилиб, уни бажонидил бажаради. Ёмонлик етса, сабрли бўлади ва ажр умид қилади. Мусибати ариса, Аллоҳга ҳамд айтади ва берган омонлиги ва эҳсонига шукр қилади.

Майса шамол билан эгилгани каби мўмин синов билан эгилса-да, синмайди. Шамол эсишдан тўхташи билан қоматини яна тик тутиб олади.

Ҳадисда фожир тик, қаттиқ дарахтга ўхшатишган. У қаттиқлиги учун шамолга

эгилмаса-да, бирдан қуриб қолади. Фожир билан дарахтнинг ўхшаш томони, фожир қаршиликларга чидамли бўлиб, камдан-кам нараса уни мувозанатидан чиқариб юбора олади. Бу ҳол унга тўсатдан ҳалокат келгунича давом этади.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“Куфр келтирганлар уларни тек қўйганимизни ўзлари учун яхши деб ҳисобламасинлар. Биз уларни фақат гуноҳлари кўпайиши учунгина тек қўямиз. Уларга хорловчи азоб бордир”** (Оли Имрон сураси, 178-оят).

Юлдуз КОМИЛОВА
тайёрлади.

Ўзингизга қандай баҳо берасиз?

Азиз опагонлар, сингилжонлар! Ўзингизга мана бу саволларни бериб кўринг:

– Сизга ато этилган неъматлар учун Аллоҳга ҳамд айта-сизми?

– Беш маҳал намозни ўз вақтида адо этяпсизми?

– Қуръонни хушу ва тадабур ила қироат қила оласизми?

– Кундалик вазифаларингиз тақсимо-тида Қуръон тило-вати ҳам борми?

– Ота-онангизга яхшилик қиляпсизми?

– Яширин ва ошкора ҳолатда ҳам Аллоҳдан қўрқасизми?

– Солиҳалар билан дугона бўлиб, ёмонлардан узоқ юриб-сизми?

– Аллоҳ сизга буюрган фарзларни тўла адо этяпсизми?

– Телефондаги офатлардан эҳтиёт бўляпсизми?

– Ислонда собит қилишини сўраб Аллоҳга дуо қиляпсизми?

– Фоний дунёдан фойдаланиб, боқий ҳаётга захира ғам-лаяпсизми?

– Ғафлатда жонингиз чиқиши мумкинлигини тасаввур қилиб кўрдингизми?

– Қабрда ёлғиз қолишингизни ҳеч ўйладингизми?

– Қиёмат кунини тасаввур қилганмисиз?

– Ҳақнинг ҳузурида сўроқ беришга ҳозирмисиз?

Жавобларингизнинг барчаси ижобий бўлса, сиз чинакам мусулмонсиз.





Кундалик фаолиятимиз давомида қўл телефонидан кўп фойдаланамиз. Айниқса, биз аёллар асосий вақтимизни оилада ўтказиб, зарур бўлганда илм олишимиз, хунар ўрганишимиз мумкин. Ҳа, уяли алоқа воситалари аёлларнинг ривожланишида, даромад топишида айти муддао бўлди. Бироқ бу борада меъёр бузилгандаги салбий оқибатлари оз эмас.

Ҳаёт учун зарур бўлган унсурларни биламиз: ҳаво, сув, егулик...

Зарари оғудан ҳам ёмон

Айни пайтда яна бир унсур турмушимизда муҳим роль ўйнай бошлади. У – смартфон!

Инсон ўз ҳаётини телефонларсиз тасаввур қила олмайди-ган ҳолга келди. Ўтаётган кунларингиз ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўрсангиз, ўзингиз ҳам бунга амин бўласиз.

Иш жойингизга, бозорга, дўконга, меҳмонхонага, касалхонага, ҳатто дафн маросими-га ҳам смартфонингизни олиб борасиз.

Смартфондан ўринсиз фойдаланиш туфайли қанчадан-қанча оилалар бузилиб кетмоқда. Одамлар бир-биридан узоқлашиб, йиғилиб қолган гапларини телефонда гаплашиб қўяётир. Орадан меҳр-муҳаббат кўтарилиб кетяпти.

Тан олинг, телефонни қўлингизга олдингизми, тамом,

вақтингизни бекорчи ва зарарли нарсаларга сарфлайсиз. Кўпинча фойдасиз видеоларни томоша қилишни истайсиз.

Мабодо, фарзандингизнинг ноодатий ҳаракатини кўриб қолсангиз, уни видеога олишни бошлайсиз ва видеотасвирни тармоқда жойлаштирасиз. Бу билан эса ўзингизнинг ҳам, бу видеони кўрадиган одамларнинг ҳам вақтини исроф қиласиз.

Фарзандларингиз сизнинг смартфондан узлуксиз фойдаланаётганингизни кўриб, улар

ҳам шундай қилишади. Болаларингиз билан бирга бўлмаганингизда ўғил-қизларингиз телефондан қандай фойдаланишларини билмайсиз.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқадиган бўлсак, кўпчилик одамлар “номофобия” касалига йўлиққан. Номофобия сўзи (Nomophobia – no mobile phone phobia) инглизчадан олинган бўлиб, ўз телефонидан узоқлашишдан қўрқиш маъносини беради.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳамат қилганлар: **“Қиёмат кунини банданинг қадами то тўрт нарсадан сўралмагунча, жойидан жилмайди: 1) умрини қандай ўтказгани; 2) ёшлигида нима қилгани; 3) молини қаердан топиб, нимага сарфлагани; 4) илмига қай даражада амал қилгани”** (Имом Термизий ривояти).

Смартфон ҳам гиёҳванд моддалардан кўра кўпроқ таъсир кучига эга. У миллионлаб эмас, миллиардлаб одамларга сал-



бий таъсир ўтказиб келмоқда. Бу – катта муаммо. Қўлингизни чўнтагингизга ёки сумкангизга солганингизда телефонингиз борлигини билиб, хотиржам тортасиз. Бу эса сиз ҳам касалланганингиз белгиси...

Бу мақолани ўқиб, баъзилар “Алҳамдулиллаҳ, мен бу касалликка йўлиқмаганман”, дейиши мумкин.

Ушбу мақолани ўқиётганларнинг аксариди смартфон бор. Эрталаб турганингизда биринчи ва кечкурун қиладиган охириги ишингиз смартфонингизни текшириш бўлади.

Бугунги вазият шундай бўлса, ўн йил ичида бу ҳолат қанчалик ўзгариши ҳақида ўйлаб кўринг. Чунки технология борган сари ривожланмоқда.

Номофобияга қарши туриш учун баъзи усуллар иш бериши мумкин. Эрталаб уйғониш учун оддий соатдан фойдаланинг. Смартфонингизга сарфлайдиган вақтингизни чекланг. Овқатланаётганингизда смартфондан фойдаланманг. Ҳафтанинг бир кунини смартфонсиз ўтказинг. Смартфонингизни ётоғингиздан узоқроқ сақланг.

Робия ЖўРАҚУЛОВА



Ҳалоллига қаноат – фарзандларга саодат

Ҳомиладорлик – аёл ҳаётидаги муҳим жараён. Унда ҳам жисман, ҳам руҳан ўзгаришлар кузатилади. Бу даврда айримлар тез-тез очликни ҳис этиши, баъзилар эса сув ичса ҳам қайт қилиши мумкин.

Шифокорлар аёлдаги турли ўзгаришларга кўра қандай витаминлар етишмаётганини аниқлайди ва беморларга ана шу дармондориларни тавсия қилишади.

– Ҳомиладорликни режалаштираётган аёллар керакли витаминларни вақтида қабул қила бошлашса, ўзларига фойдали бўлади, – дейди гинеколог Ўғилой Исмоилова. – Масалан, уларга В⁶ витамини етишмаса, қайт қилади, фолий кислота танқислигида асабийлик, заифлик ва уйқучанлик кузатилади. В⁶ магнийнинг камлиги оғриқларга сабаб бўлиши мумкин. Ҳомиладор аёл нафақат витамин қабул қилиши, балки соғлом турмуш тарзини ҳам йўлга қўйиши

керак. Унга тез-тез илиқ сувда ювиниш, болалар совунини ишлатиш тавсия этилади. Иссиқ буғ ёки сауналар ҳомилага салбий таъсир қилади. Таомлангандан сўнг оғизни илиқ сувда чайиш милклар зарарланишининг олдини олади. Озодаликка эътибор бериб, хонани шамоллатиб, пол ва токчаларни нам латта билан артиб туриш зарур. Шунингдек, текис ва нисбатан қаттиқроқ ўринда 8–9 соат ухлаш фойдали. Қуёшдаги табиий D витамини учун сайрга чиқиш вақти эрталаб соат 8:00 ва 11:00 оралиғида, бўлгани маъқул.

Зиғир толаси ва ипак газламалардан тикилган либослар кийиш тавсия этилади. Белбоғни қаттиқ боғлаш, кўкрак қафасини сиқиш ва резинали пайпоқлар кийиш мумкин эмас.

Юкли аёл танасининг оқсилга бўлган эҳтиёжи ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида 50 фоизга ортади. Шу-

нинг учун бу пайтда аёл кунига беш-олти маҳал оз-оздан овқатланиши керак. Кўп қувват берувчи таомлар, масалан, гўшт, балиқ, тухум, пишлоқни эрталаб ва кундузи истеъмол қилиши лозим. Кечқурунлари эса, енгил ҳазм бўладиган сутли ва сабзавотли овқатларни егани маъқул. Бу даврда аёлларда қабзият (ич қотиши) кўп кузатилади. Бунда мева-сабзавотларни хомлиги-ча ейиш наф беради. Тузнинг меъёридан ортиғи танада сув тўплайди ва шишларга сабаб бўлади. Шунинг учун тузни камайтирган маъқул.

– Қуръони каримда: **“Биз инсонни ота-онасига яхшилиқ қилишга буюрдик. Онаси уни (қорнида) қийналиб кўтариб юрган ва уни қийналиб туққандир”,** дейилади (*Аҳқоф сураси, 15-оят*).

– Бу оятда аёлнинг ҳомиладорлиги осонлик билан бўлмаслиги таъкидланган, – дейди Андижон вилояти



бош имом-хатибининг хотин-кизлар масалалари бўйича ёрдамчиси Шоирахон Қосимова. – Шу сабабли ҳам фарзандлари олдида онанинг даражаси отадан бир неча баробар юксак. Аёлларимиз никоҳланганида жуфтига ва оиласининг бошқа аъзоларига яхши муносабатда бўлиб, атрофида гўзал муҳит ва яхши кайфиятни ярата олиши лозим. Ҳомиладорлик даврида эса, хушфەъл бўлиши, яқинлари ҳам унинг вазиятини тушуниб, кўмак беришлари керак. Бу даврда аёлдаги ҳар бир жараёни ҳомила ҳис қилади. Афсус, айрим ҳомиладор аёлларимиз баъзан жанжалли ёки ахлоқсиз кинолар, сериалларни томоша қилишяпти. Юкли аёл олдида қариндошлари ғийбат, ифво билан банд. Ҳолбуки, бу даврда мутолаа, Аллоҳ зикрида бўлиш, Қуръонни ўқиб, ёдлашнинг фойдалари кўп. Илм она қорнидаёқ сингиб боришини фан исботлаган. Шунингдек, тананинг, либоснинг поклиги луқманинг ҳалоллиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Аёл киши, оз бўлса-да, ҳалолга қаноат қилиши, айниқса, бу даврда, ҳар нени егиси келганда ҳам жуфтини фақат ҳалолликка даъват этиши лозим.

Боязид Бистомий ҳақидаги воқеа ҳам ҳалол луқма нечоғли аҳамиятга эга эканини кўрсатади. «Нақл қилибдурларким, Боязиднинг волидаси айтур: “Ҳар қачонким шубҳали таом есам, Боязид курсоқимда тепишур эрди. То ул таомни ёндириб ташламағунча ором олмас эрди”».

Шундай экан, она бўлиш бахти остонасида турган опа-сингилларимиз фарзандининг камолоти учун унга эътиборни мана шу тўққиз ойлик даврдаёқ бера бошлаши мақсадга мувофиқ.

Камола АДАШБОЕВА

Паноҳингда асра...

Ўзингда нажотим, Сенда умидим,
Ўзинг эшитгувчим ҳар бир ноламни.
Ўзингга ҳавола бутун вужудим,
Раббим, паноҳингда асра боламни.

Қалбда дуоларим гўзал ғунчаси,
Дарду ташвишларим илк малҳамчаси.
Ҳали вужудимнинг нозик парчаси,
Раббим, паноҳингда асра боламни.

Унинг ҳар ҳолидан кўнглимиз тўлсин,
Кўзимиз яшнатиб, нур ила юрсин,
Илмига амалли қория бўлсин,
Раббим, паноҳингда асра боламни.

Қироат гашиддан қўп севинтириб,
Зеҳнига ҳадислар илмин сингдириб,
Юртимизнинг муҳаддисаси қилиб,
Раббим, паноҳингда асра боламни!

Сабриянур СОТВОЛДИЕВА,
Ўзбекистон халқаро
ислом академияси талабаси

Ўкинч

Онажон, сочингиз оқарди барвақт,
Ўзни унутдингиз мени деб фақат.
Қилмишимга ҳануз қиялпсиз тоқат,
Сизнинг кўнглингизни оғритмадимми?

Волидам, кўзингиз намланди нечун?
Ҳамон йиғлайсизми мен нодон учун?
Қалбимни ёндирди изтироб-учқун,
Сизнинг кўнглингизни оғритмадимми?

Она, дардингизга дармон бўлайин,
Майли, тинчингиз деб қурбон бўлайин!
Шунга ярамасам, гулдек сўлайин,
Сизнинг кўнглингизни оғритмадимми?

Муҳаммад Қодир АБДУЛАЗИЗ,
Фарғона вилояти



Намознинг вожиблари қайсилар?

САВОЛ: Саждаи саҳв қайси пайт ва қандай қилинади?

ЖАВОБ: Намоз вожибларидан бири унутилиб адо этилмаса, масалан, тўрт ракатли намознинг биринчи қаъдасида ўтириш намозхоннинг эсидан чиқса, саждаи савҳ вожиб бўлади.

Саждаи саҳв охириги қаъдада ташаҳхуд ўқилгач, (намозни бир киши ёлғиз ўқиётган) ўнг ва чап томонга, жамоат намози бўлса (имом фақат ўнг томонга) салом бериб, икки марта сажда қилинади. Сўнг-ра яна ташаҳхуд, салаватлар ва дуо ўқилиб, икки томонга салом берилиб намоз тугатилади.

Савбон розияллоху анху ривоят қилади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Ҳар бир саҳв (хато) учун саломдан кейин икки сажда бор”**, дедилар (Имом Абу Довуд ва Имом Ибн Можа ривояти).

САВОЛ: Намознинг фарзлари нечта?

ЖАВОБ: Намозда ўн иккита фарз бор. **ОЛТИТАСИ НАМОЗ ТАШҚАРИСИДА:**

1) баданнинг ҳадасдан (тахоратни бузадиган нарсалардан) ва ҳабасдан (нажасдан) пок бўлиши;

2) кийимнинг пок бўлиши;

3) намоз ўқиладиган жойнинг пок бўлиши;

4) намозни ўз вақтида ўқиш (вақти кирмай ўқилган намоз қайта ўқилади);

5) қиблага юзланиш;

6) Намоз ўқишни (фарз, вожиб, суннат ва бошқа намозларни) қалбда ният қилиш (бу олтига фарз намоз ташқарисидаги фарзлар ё шартлар дейилади).

...ОЛТИТАСИ НАМОЗ ИЧКАРИСИДА:

7) такбири таҳрима (ният қилгандан сўнг намозни бошлаш такбири – “Аллоху акбар”, дея намозга киришиш);

8) қиём (намозни тик туриб ўқиш. Соғлом киши (фарз, вожиб намозларини) тик туриб ўқиши фарз. Агар бемор бўлса, ўтириб, унга ҳам қодир бўлмаса, ёнбошлаб ўқиши мумкин);

9) қироат (намозда Қуръондан узун бир оят ё уч қисқа оят ўқиш);

10) руку қилиш (эркаклар икки қўл тирсакларини букмасдан тиззаларини ушлаб, энгашганда бел ва бошни текис тутиб туради. Аёллар тиззаларини озгина букиб, қўлларини тиззаларига, билакларини сонларига теккизиб, бош ва белларини букмай туришади);

11) сажда қилиш (пешона ва бурунни ерга теккизиш. Эркак киши саждада билакларини ерга, сонларини қорнига теккизмайди. Аёл киши саждада

билакларини ерга, қорнини сонларига теккизиб туради);

12) қаъдаи охир (охирги қаъдада ташаҳхуд миқдорича ўтириш).

Бу амалларнинг бири узр-сиз адо этилмаса, намоз ҳисоб бўлмайди, қайта ўқилади.

САВОЛ: Намознинг вожиблари қайсилар?

ЖАВОБ: Қуйидагилар намознинг вожибларидир:

1) такбири таҳримада айнан “Аллоху акбар”ни айтиб намозга кириш;

2) фарз намозларнинг аввалги икки ракатида, витр, нафл (суннат) намозларнинг ҳамма ракатларида Фотиҳа сурасини ўқиш;

3) фарз намозларнинг аввалги икки ракатида, витр, нафл (суннат) намозларнинг ҳар ракатида Фотиҳа сурасидан сўнг яна бир сура (бир узун ёки уч қисқа оятдан кам бўлмаган миқдорда) ўқиш;

4) Фотиҳани замсурадан олдин ўқиш;

5) бомдод, шом, хуфтон намозларида имом Фотиҳа ва замсурани овоз чиқариб, пешин, аср намозларида ичида ўқиши (аёллар ичида ўқишади);

7) намознинг рукнларини (қиём, руку, саждани) ўз ўрнида, тартиб билан адо этиш;

8) руку ва саждани аъзолар таскин топадиган даражада шошмай қилиш;

9) уч-тўрт ракатли намозларнинг иккинчи ракатидан сўнг “Аттаҳият”ни ўқиш муддатича қаъдада ўтириш;

10) ҳар қаъдага ўтирганда “Аттаҳият”ни ўқиш;

11) намознинг вожибларидан бирини эсдан чиқариб адо этмаса, саждаи саҳв қилиш;

12) намоздан “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ”, деб чиқиш. Бунда салом елкага тўла юзлангандан кейин берилади;

13) витр намозининг учинчи ракатида Қунут дуосини ўқиш;

14) Рамазон ва Қурбон ҳайити намозларининг ҳар ракатида учтадан қўшимча такбир айтиш.

САВОЛ: Витр намозининг учинчи ракатида Қунут дуосини ўқишдан олдин қулоқ қоқилади. Бу амал фақат эркаклар учунми ёки аёллар ҳам бажаришлари керакми? Аёллар қандай амалга оширади?

ЖАВОБ: Ҳа, ушбу такбир аёллар учун ҳам машруъ қилинган бўлиб, унда аёллар қўлларини қулоқ бўйи эмас, балки елкалари миқдорича кўтарадилар. Демак, витр намозининг 3-ракатидаги замсура ўқиб бўлингандан кейин «Аллоҳу акбар» деб, икки қўлларини эркаклар қулоқларининг юмшоқлари баробаригача, аёллар елкалари баробаригача кўтарадилар.

САВОЛ: Ҳаж ёки умра учун эҳромга кирмоқчи бўлган аёл ҳайз кўриб қолса, нима қилади?

ЖАВОБ: Ҳаж ёки умра қилмоқчи бўлган аёл ҳайз кўриб қолса, эҳромга кираверади. Мийқотдан эҳромсиз ўтиш жоиз эмас. Маккага етиб боргач, ҳайздан пок бўлгунча Масжидул Ҳаромга бормаи туради. Пок бўлгач, ғусл қилиб, тавоф қилади.

“Агар аёл киши эҳромга кириш чоғида ҳайз кўриб қолса, (тозалик учун) ғусл қилиб, эҳромга киради ва ҳажнинг тавофидан бошқа амалларни қилаверади. Аммо ҳайздан пок бўлмагунча Байтуллоҳни тавоф қилмайди” (“Ҳидоя”).

САВОЛ: Баъзилар чап қўл билан еб-ичади. Шундай қилиш жоизми?

ЖАВОБ: Бундай қилиш суннатга хилофдир. Мусулмон киши шаръий узри бўлмаса, ўнг қўл ёрдамида нон ейиши, чой ичиши, овқатланиши суннатдир. Ўнг қўлнинг ўзи билан бажариб бўлмайдиган нон ушатиш, гўшт майдалаш каби ишларда чап қўлни ҳам ишлатса бўлади.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумо ривоят қилади. Набий солаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Қачон бирортангиз еса, ўнг қўли билан есин. Қачон бирортангиз ичса, ўнг қўли билан ичсин. Чунки шайтон чап қўли билан еб, чап қўли билан ичади”**, дедилар (Имом Муслим ва Имом Термизий ривояти).

САВОЛ: Аёл ишлаб топган пулида қайнота-қайнона ва эрнинг ҳақи борми?

ЖАВОБ: Аёлнинг мулкида, ишлаб топган пулида бошқаларнинг ҳаққи йўқ. Аёлнинг таъминоти эрнинг зиммасига вожибдир. Аммо аёл ўз ихтиёри билан рўзғорга ва қайнота-қайнонасига пул сарфласа, савобга эга бўлади.

САВОЛ: Айрим ҳудудларда баъзи кишилар янги уйга кўчиб ўтгач, отинойиларни таклиф қилиб, улар бошчилигида «Сурпаёйди» маросимини ўтказишади. Отинойи пешонасига ўқловни қўйиб эгилиб, уни ерга теккизиши керак эмиш. Шу иш шариатда борми? Аслида, отинойининг вазифалари нималаран иборат?

ЖАВОБ: Шариатимизда «Сурпаёйди» ва шунга ўхшаш маросимлар йўқ. Бу амаллар бидъат-хурофотдан бошқа нарсаси эмас.

Отинойи маърифатли, маънавиятли бўлиши, у хотин-қизлар орасида турли бидъат-хурофотларнинг олдини олади, тўй ва маросимларни ихчам, камчиқим ва исрофгарчиликларсиз шариатга мувофиқ ўтказиш бўйича аёллар ўртасида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боради.

Маҳалла фаоллари, кайвонилар билан биргаликда оилалар мустаҳкамлигига ҳисса қўшиш, ёшлар, айниқса, қизларнинг таълим-тарбиясида ҳам отинойи фаол қатнашади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази
(78) 150-33-34



Қалбим нега хотиржам бўлди?

Биз мусулмонлар ризқимизни Аллоҳ беришини яхши биламиз ва шунга эътиқод қиламиз. Бироқ...

Нафснинг шивир-шивирларига қулоқ тутиб яшаймиз:

– Янги чиққан идишлардан олишим керак. Меҳмон келса, мулзам бўп қолмай тагин!

– Эртанги тўйга янги кийим олмасам бўлмайди. Овсинларим кийинишганмиш...

– Гулқоғозлар униқибди, таъмирлаш керак.

Бундай гапларнинг охири кўринмайди ва уларни амалга ошириш учун ҳаракатларимиз ҳам тинмайди. Ачинарлиси эса...

Бу ҳой-ҳаваслар, арзимас “мақсадлар” йўлида динимиз зое кетмоқда: илм таҳсили, ибодатлар, Қуръон тиловати, хайру садақотлар, зикру тасбеҳлар...

Ҳаммасини ортга сура-сура ҳой-ҳаваслар ортидан чопяман...

Биргина менми?!

Бугун деярли ҳамма шу тарзда яшамоқда. Гўё ризқини ўзи “топишга қодир”дек чираниб яшамоқда. Бировга эҳсон қилса, оч қоладигандек.

Аслида иймонимиз тақозо қилган ишонч задаланиб, минг чокидан сўкилган. Шу сабабли хотиржам торта олмаяпмиз. Ваҳоланки, Абдуллоҳ Ибн Масъуд розияллоҳу анху-

дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: “Сизнинг ҳар бирингизнинг халқ қилиниш (моддаси) онасининг қорнида маний ҳолида қирқ кун жам қилинади. Сўнгра ана шу мислича алақа (зулуксимон қон) бўлади. Сўнгра ана шу мислича музға (чайналган гўшт каби) бўлади. Сўнгра ичига руҳ пуфланади. Ва тўрт калима: ризқи, ажали, амали ва бадбахт ёки некбахтлигини ёзиш амр қилинади...” (Тўртовлари ривоят қилишган).

Ҳадиси шарифдан англашиладики, барчамиз ҳали дунёга келмасимиздан ризқимиз битиб қўйилади. У ошиб ҳам кетмайди, камайиб ҳам қолмайди. Фақат унга барака кириши ёки кўтарилиши мумкин. Шу боис доим ризқимни кўпайтир деб эмас, ризқимга барака бер дея дуо қилинади.

Қалбимга ризқ билан боғлиқ ана шу ҳақиқатларни маҳкамроқ жойлаш учун Аллоҳнинг “ар-Раззоқ” сифатини чуқурроқ англашга ҳаракат қилдим. Чунки уламолар ар-Раззоқ сифатини кўп такрорлаш ризққа барака қўшишини айтишган.

Ар-Раззоқ – маҳлуқотнинг ризқларни яратувчи, яратикларини доим ризқлантириб турувчи деганидир. Бу маълумотларни қайта-қайта ўқиб,

такрорладим. Ризқ ҳақидаги ояти карималарни ҳам тадаббур қилдим. Қалбимга сакинат инди...

Бироқ ожиз бандаман... Гоҳ билганларимга амал қилишга қодир бўлмайман. Гоҳида нафснинг қутқуси, гоҳида шайтоннинг васвасаси мени у ёқдан-бу ёққа судрайди:

– Ҳозир ҳамма шунақа кийим кийяпти. Кийсанг-чи, сенга ярашади, – дейди шайтон.

– “Ё Раззоқ...” дейман...

– Озгина қарз кўтарсанг, ошхона анжомларини янгилаб олардинг, – дейди нафсим.

– “Ё Раззоқ...” дейман.

– Мана бу иш биродарингдан кўра сенга зарурроқ, болаларинг бор. Озгина айбларини бошлиғинга оч, Аллоҳ кечиради, – дейди шайтон...

– “Ё Раззоқ...”, дейман яна...

Нима бўлди, биласизми? Шайтоннинг васвасаси, нафсимнинг ғавғолари камайиб боряпти. Ҳали тўлиқ енгдим деёлмайман. Шу йўлда ҳаракатдаман. Шу калимани ихлос ила айтишим билан онгимда қанчадан-қанча ҳақиқатлар жонланади: ер остидаги қурт-қумурсқаларни, денгиз тубидаги жонзотларни оч қўймаган Аллоҳ сени ҳам унутмайди...

Нигора МИРЗАЕВА



(Давоми.)

Бошланиши ўтган сонларда.)

“Мусо алайҳиссаломни Мад-янга бориб, чорваларини суғориб берган қизларнинг бирига уйланиш учун ўн йил ишлаб беришга нима мажбурлади экан?” деб юрар эдим. Жавобни Аллоҳ таолонинг “...**Ҳаё билан юриб келиб...**” деган сўздан топдим. Аллоҳ таоло у қизнинг бўйини мақтамади, шаклини мақтамади. Балки у қиздаги энг қиммат нарса бўлмиш ҳаёни зикр қилди.

Демак, Мусо алайҳиссаломнинг у қизга уйланиш учун ўн йил ишлаб беришга кўнишлари унинг ҳаёси учундир, валлоҳу аълам!

“Уй бекаси” лавозимини менсимаганлар бу муносабатнинг муҳимлигидан ва умматнинг ахлоқий-ижтимоий ҳозири ва келажагига кучли таъсиридан ғафлатда бўлган жоҳиллардир.

Уй туридаги бу мансаб қийинчиликлари эркакларнинг уй ташида дуч келадиган машаққатларига баробар келади.

Шариат икки жинсни ҳам ўзларига лойиқ ва устун томонларига йўллайди. Баъзи аёлларнинг фавқулодда қобилиятлари, уларнинг бу хусусиятларини йўққа чиқаролмайди.

Бир аср олдин европаликлар африкаликларни қолоқ ва ёввойиликда айбашарди ва бунга уларнинг яланғоч юришларини рўқач қилишарди. Бугун эса

Европа яланғоч – ўша ўлчов ҳозир ҳам татбиқ қилинса-чи?

Қадим замонда бир одам уйланибди. Биргаликда бошлаган ҳаётларининг илк кунда онаси ва хотини билан дастурхон атрофида ўтиришаркан, ҳалиги одам аёлига таомнинг катта қисмини алоҳида эътибор, мулозамат билан узатибди. Арзимаган бир қисмини эса ўта безътиборлик билан онасининг олдида “тақ” этиб қўйибди. Хотини оқила аёл экан. У ҳозироқ мени талоқ қиласан, деб туриб олибди. Бундан ҳайратда қолган эр сабабини сўраганида: “Қон тортади, сендан бола кўриб, шу она каби хор бўлишни истамайман”, деб жавоб берибди.

Минг афсуски, айрим аёллар эри тарафидан қайнонаси-дан кўра кўпроқ иззат кўрсалар, ўзларича ғолиблик нашъасини сурадилар. Билмайдиларки, ҳар ким экканини ўришини, емоқнинг қусмоғи ҳам борлигини.

Алқисса, аёл талоғини олиб, эридан ажрашди. Вақт ўтиб, Аллоҳ унга бошқа бир яхши эрни насиб этди. Йиллар ўтди, бола-чақали бўлди. Бир куни туя устидаги кажава ичида борарди. Болалари атрофида парвона бўлиб, хизматига шай туришарди. Йўлда бир карвонга дуч келдилар. Карвон ортида абгор аҳволдаги ёши катта бир киши яланғоёқ пиёда борарди. Унга ҳеч ким эътибор бермасди. Болаларига, мени ўша одамнинг олдида олиб боринглари, деди. Олиб боришгач, ҳалиги одамга деди:

– Мени танидингизми? Мен сизнинг собиқ хотинингизман. Сизга қон тортади, ҳар ким экканини ўради, демаганмидим?! Кўряпсизми, болаларим мени қандай ҳурмат билан олиб юришибди. Энди ўзингизнинг аҳволингизга бир қаранг! Бунинг сабабини биласизми? Сиз онангизни хўрлаган эдингиз.

Кейин болаларига қараб:

– Аллоҳ учун унга эътибор бериб қўйинглари, – деди.

Ҳа, чиндан ҳам ҳар бир эркак ва аёл унутмасинки, қон тортади ва ҳар ким экканини ўради.

Эр-хотинлик ҳаётида комил аёл ва комил эр деган гап, тушунча йўқ. Ҳаётингиз фаровон ва барқарор, тинч бўлиши учун бағрикенг, кечиримли ва камчиликларга кўз юмишни ўрганишингиз лозим.

Ҳар бир аёл уйида яхши фарзанд етиштириши – яхши иш ҳодими ёки яхши бир мутахассис бўлишдан осон эмаслигини билиши даркор. Яхши уй хоними бўлиш эса асло камситилмаслиги керак. Чунки инсониятнинг келажагини комил фарзандлар белгилаб беради. Демак, уй бекаси, хоними бўлиш ўз елкасига буюк масъулиятни олиш, дегани. Бу омилни заифлаштириш инсоният келажагига ҳеч қандай фойда бермайди.

(Давоми бор.)

Таржимонлар:

Иймон Али КИТОБ АЛИЕВ,
Сайдуллоҳ АҲМЕДОВ



Мусулмонлар оиласида ҳақиқий тарбия кўрган фарзанд ҳеч қачон катталарга ҳурматсизлик қилмайди. Беҳаёлик, бадхулқлик, ўзбилармонлик иллатларига чалинмайди. Таассуф, бугунги кунда интернет орқали ижтимоий тармоқларда авж олаётган “Оммавий маданият” намойишлари йигит-қизларимизни юқоридаги иллатларга етакламоқда. Зимдан кириб келаётган бу хатар замирида менталитетимизга мутлақо зид, оилаларни та-

лардан ўтган қадриятларимиз, урф-одатларимизни мукаммал билиш ва амал қилиш даркор. Мабодо шундай вазиятга тушиб қолганлар бўлса, ҳеч бўлмаганда «Бу кўринишдаги “маданият”ни ким, қандай мақсадда ва нима учун узатяпти?» деган саволларни ўзига ўзи бериши, унга асосли жавоб топишга ҳаракат қилиши лозим. Шунда турли ғояларга кўр-кўрона эргашишнинг олди олинади.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳақларида: “Ал-

Ҳақиқий мусулмон гўзал хулқлар билан безаниб-зийнатланиб, ёмон хулқлардан узоқ бўлган кишидир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалардан бири Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳуга бундай деганлар: **“Эй Уқба, сенга дунё ва охиратнинг энг афзал хулқи нималигини айтайми? Сендан алоқани узганлар билан алоқа ўрнатасан, сенга зулм қилганларни кечирасан, сени маҳрум қилганга яхшилик**

Ислоҳни ўзингиздан бошланг

наззулга, парокандаликка бошлайдиган, меҳр-оқибатдан йироқлаштирадиган худбинлик, инсоннинг фаҳм-фаросатини ўтмаслаштирадиган қабих ишлар ётади. Сайтлар ва ижтимоий тармоқлар орқали ёшларни бу йўлларга бошлаётганлар сони ортиб бормоқда. Бу “маданият” тарафдорлари тақдим этаётган маълумот ва ахборотлар турли кино, сериал, реклама каби кўринишларда тарқатилмоқда.

Бунга қарши тура олиш, маънавий иммунитет ҳосил қилиш учун эса минг йиллик синов-

батта, Сиз буюк хулқ узрадир-сиз” (Қалам сураси, 4-оят), деди.

Одамлар сизни камбағал, кийимлари эски, уйи замонавий эмас дейишса, эътибор берманг. Аммо хулқи ёмон, тарбиясиз экан дейишса ёхуд фарзанди беодоб-ахлоқсиз дейишса, тезда ўзингизни ислоҳ қилиб олинг. Зеро, момоларимиз гўзал хулқ билан безаниш, ёмонлик қилганга ҳам яхшилик қайтариш каби ахлоқ-одобларни ўргатиб келишган. Бу ўз ўрнида гўзал самара берган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам: **“Мен гўзал хулқларни мукаммал қилиш учун юборилдим”** (Имом Бухорий ривояти), деганлар.

Яна бир ҳадисда у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Менга энг суюқлингиз ва қиёмат кунини менга жойини яқин бўладиганларингиз гўзал хулқларингиздир”** (Имом Термизий ривояти), деганлар.

қиласан” (Имом Аҳмад ривояти), деганлар.

Гўзал ахлоқни бир четга суриб, қариндошлик ришталарини узаётганлар, ота-онадан воз кечаётганлар, бегуноҳларга зулм қилаётганлар, маҳрум қилаётганлар бу ҳақда бир ўйлаб кўришсин...

Гўзал хулқни, аввало, ўзингиздан бошлашимиз, сўнг-ра яқинларимиз, атрофимиздагиларга сингдиришимиз, фарзандларимизни одоб-ахлоқ асосида тарбия қилмоғимиз лозим. Шунда улар соф исломий тарбияни биздан ўрганиб, ҳар хил оқимлар таъсирига тушиб қолишмайди.

Гўзал хулқ ўрганишлар, кузатишлар, ҳаракатлар натижасидир. Масалан, сизнинг хулқингиз ёмон бўлиши мумкин, лекин ўз камчилигингизни англаб, уни бартараф этиб, хушхулқ инсонларга эргашсангиз, атрофингиздагилар, фарзандингиз сиздан намуна олади.

Улуғбек ЖИЯНОВ,
“Мир Араб” олий
мадрасаси ўқитувчиси



Бувим ва бугун...

Дугонамнинг синглиси бир халтача нонни чиқинди қутисига ташлагани эътиборимни тортди. Унга даkki беришга журъатим етмади. Эҳ, ҳозир шу ерда бувим бўлганида борми, албатта, танбеҳ берган бўларди.

Ҳалима бувим бизга овқатни озроқ қилишни айтиди. Меваларни ҳам увол қилмай, уринганларини қуритиб қўяди. Уйимизда таом исроф бўлмайди. Қўшнинг ҳақи, дея овқат олиб чиқамиз. Нонни юриб есак ҳам, гап эштамиз.

Яқинда ҳовлимизга яқин жойда кўп қаватли уй қурилди. Ўйингоҳлари ҳам замонавий. Бирин-кетин одамлар кўчиб кела бошлади, маҳалламиз гавжумлашди. Замонавий иморатлар, болалар майдончасини кўрган бувим хурсанд бўлди.

Бир куни ўқишдан уйга келсам, бувим хафа бўлиб ўтирибди.

– Бир қиз нон олиб кетяпти экан. “Нима қиласан?” десам, “Қотиб қолган, чиқиндига ташлайман”, де-

ди. “Қотириб қўйсанг, суюқ овқатларга соласан”, деб танбеҳ бердим. Янги қурилган уйларнинг бирида турар экан. Бироз жаҳли чиқиб, уйига кириб кетди, – деди.

Ҳа, бувим бундай вазиятларда индамай туролмайдди. Бир сафар дадам: “Сизга нима, ойи, қўйинг!” деди. Бувим эса: “Инсон лоқайд бўлмаслиги керак” деб қўйиб берди. Ахир, муаллим ва мураббийимиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Нонни эъзозланглар. Чунки Аллоҳ таоло уни эъзозлаган. Ким нонни эъзозласа, Аллоҳ ҳам уни эъзозлайди”** (Имом Суютий ривояти), деганлар.


Чиқиндихоналарда нон учун алоҳида идиш бор. Афсуски, бу идиш кўпинча тўла туради. Баъзан чиқиндиларни олиб кетадиганларнинг елим халтага ўралган нонларни махсус идишга жойлаётганини кўраман ва бувим кўз олдимга келаверади.

Бир куни бувим қўшнингига меҳмонга борса: “Сизга раҳмат, келинимга қилган насиҳатларингиз са-

бабли уйимизда исрофгарчилик камайди”, дебди. Бувим эса бундай жавоб берибди: “Барака топсин, келинингиз фаросатли. Ҳа, энди ёшлиқ қилган-да. Мен эмас, ўзи уқувли”. Бир куни ўша келин: “Сиздан ранжиганим учун мени кечиринг. Қайнонамга мени мақтаганингизни эшитиб қолдим. Муносабатларимиз янада яхшиланди”, дебди. Бувим хурсанд бўлди.

Ҳа, бувим учун ёмон инсон йўқ. Фақатгина лоқайд, тартибсиз ва тарбиясизлар бор. Бувим, “Мусулмон инсон бефарқ бўлмаслиги керак”, дейди. Ҳозир мен бувимдан ҳаммага яхши муносабатда бўлишни, рўзгор тутумларию қадриятларимизни ўрганияпман...

Камола АДАШБОЕВА



Яқинда бир танишим йиғлагудек бўлиб гапирди. У қариндошининг таъзиясига борибди. Бир пайт ўрта ёшлардаги 3 аёл кириб келибди. Отинойи Қуръон тиловат қилиб, қўлини дуога очса, улар дарҳол туриб чиқиб кетишибди. Маълум бўлишича, бу аёллар мусулмончиликдан воз кечиб, “ИЕГОВА шоҳидлари” сектасига аъзо бўлган экан.

Миссионерлар одатда кам таъминланган, моддий шароити оғир, ёлғиз, ҳаётдан зериккан хотин-қизларни қармоғига илинтиради. Айрим зиёлилар ушбу сектага аъзо бўлганлар билан суҳбатлашганда, улар нафақат эҳтиёжмандликларини рўқач қилади, балки юртимизда виждон эркинлиги ҳақида қонун борлиги, фуқаролар хоҳлаган динига эътиқод қилишлари мумкинлигини ҳам иддао қилишади.

Айтиш зарурки, “ИЕГОВА шоҳидлари” сектаси бирор давлатда диний ташкилот сифатида тан олинмаган. Унинг айрим тартиб-қоидалари насронийларнинг амалларига ўхшаб кетади. Уларга алданиб, динини ўзгартирганлар нафақат бу дунёсини, балки охиратини ҳам бой беришади.

Ислонда ёмонликдан қайтаришга буюрилган. Мўминлик бурчимни адо этиб, улкан гуноҳга қўл ураётган, динидан воз кечаётган юртдошларимга иймонингизни қўлдан бой берманг, дейман. Ахир, оқибати жуда ҳам даҳшатли ва шармандали бўлади.

Тошпўлат АШУРОВ,
Когон шахри

Фолбин – иймонини сотган гадо

Десаким: “Мен ғайбни билгум,
у менга маълумдир”,
Билингизким, ул нобакору
фолбину малъундир.

Гарчи “Хўб рост айтурман”,
деб ҳақни қилса даъво.
Нақд эрурким бул дардига
дўзахда заққум даво.

Фолбин ким бўлибдурким,
унга қилинса ошкора,
Расулиға бермасмиди,
Ҳақ гар буни кўрса раво.

На бирор ҳожат эрди йўқса
қозию маҳкамалар,
Жиноятни очсалар,
фол кўриб ул “мастона”лар.

Улким, фолбин дунёни деб
иймонин сотган гадо,
Гарчи тасдиқ айласангиз,
сизни ҳам айлар “фидо”...

Бормангиз фолбинга ҳеч,
истамангиз андин юпанч,
Икки дунё нуридин маҳрум
чекурсиз дўзахда ранж.

Ҳазрати Ҳақдин сўранг,
мушкулингиз айлар раво,
Бизни ҳеч тўғри йўлингдин
адаштира, Холиқо!

Ҳазрат ИСМОИЛОВ,
Навбаҳор тумани “Арабхона катта” жоме масжиди имом-хатиби



Ҳаётда анча синовларни бошдан ўтказдим. Аллоҳ бандасининг бирига бойлик бериб, бирини йўқчилик билан имтиҳон қилар экан. Айримларни хотини, яна бошқасини эри, баъзиларни фарзанди билан, яна бошқаларни эса болага зор қилиб синаркан...

Бир йигит билан оила қурдим. Турмуш ўртоғим бирор жойда ишламас, баъзи-баъзида устачилик қилиб топган пули рўзғорга базўр етарди. Оиладаги етишмовчиликлар бирин-кетин фар-

ни йўқотадиган бўлдим. Шифоналарга бориб текширттирдим. Шифокорлар тезда операция қилиш кераклигини, ҳатто уч тўрт кун ичида қилинмаса, ўлишим ҳам мумкинлигини айтишди. Уйга бориб, фарзандларимдан хабар олай, қариндош-уруғларга айтай, дея амалиётга унамадим. Аслида “Жарроҳлик учун пулни қаердан оламан, кимдан қарз сўрайман?” дея бошим қотганди. “Наҳотки уч кунлик умрим қолган бўлса?!” дея ваҳима босарди.

ланиб турганимда ўртанчам йиғлаб келиб қолди. Яқинда қўшнимизникидан олган, фарзандларимнинг эрмагига айланиб қолган кучукча ҳожатхонага тушиб кетибди. Болаларимни койиб: “Бўлар иш бўлди, кучукчадан умидларингни узинглар”, дедим. Аммо улар йиғлаганча ҳожатхона атрофида айланишарди. Бу орада кучукчанинг ёрдам сўрагандек ғингшининг овози эшитилиб қолди.

“Тирик экан” – дея кийимимни алмаштириб, бир амаллаб кучук

Аллоҳнинг марҳамати

зандларим туғилиши билан кўпайиб бораверди. Эрим бўлар-бўлмасга жанжал қиладиган одат чиқарди. Бу орада амал-тақал қилиб, кичикроқ уй қуриб олдик. Учинчи фарзандим дунёга келганида жуда қийналдим. Болам жарроҳлик йўли билан туғилди. Ўшандан кейин бошим дарддан чиқмай қолди. Шу вақтгача турмуш ташвишларига базўр чидаб келган турмуш ўртоғим: “Менга касал хотин керак эмас”, дея уйдан чиқиб кетди. Сўраб-суриштирдим, имконим борица изладим. Бировлар ишлагани Россияга кетган деди. Яна кимлардир бошқасига уйланиб олганини айтишди.

Менинг эса аҳволим ёмонлашаверди. Баъзида ҳушим-

Али розияллоҳу анҳу бундай деганлар: ***“Неъмат шуқрга, шуқр эса зиёдаликка боғлангандир. Модомики банда шуқр қилишда давом этар экан, Аллоҳ таоло ҳам зиёда қилишда бардавом бўлади”.***

Ўша куни бир амаллаб уйга етиб келдим. Ундан-бундан сўраб, бироз пул йиғдим. Кейин фарзандларимни олдимга чақириб, энди 12 ёшга кирган ўғлим, онасига эрта ёрдамчи бўлган 10 ёшли қизим ва кенжамнинг кўзларига қарар эканман, Худода ич-ичимдан нола қилдим: “Фарзандларимни етим қилма, ота меҳрига зор бу гўдакларни она меҳрига ҳам зор қилма!” дея ялиниб-ёлвордим.

Йўлга чиқишга тараддуд-

боласини у ердан чиқардим, ювиб-тарадим. Кейин ўзим ҳам яхшилаб ювиниб, бошқа кийимларимни кийдим. Кучукча эса хурсандчиликдан кўзлари порлаётган фарзандларим билан яна қувлашиб ўйнай бошлади.

...Амалиёт қандай ўтганини билмайман. Қанақадир булутлар орасида сузиб юрганимда қардандир кенжамнинг овозини эшитдим. “Ойи, кетманг, бу ёққа келинг”, деган товуши билан кўзимни очдим. Кейин аҳволим кун сайин яхшиланиб борди.

Бугун уйимнинг тоmidан чакка ўтиб, рўзғоримда камчиликлар бўлса-да, фарзандларимнинг ёнида эканимдан, танам соғлигидан Аллоҳ таолога ҳар куни шуқр қиламан. Балки менинг кичик бир амалим Раббимга манзур бўлгандирки, мушкулумни аритди, жонимни омон қолдирди...

**Фозилжон
МАМАШАРИПОВ**
оққа қўчирди.



Умримиз баҳори Ғанимат

Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” романида бундай жумла бор: «Қаранг, ойи, тағин кўклам кирди. Эсингиздами, ҳар йили баҳор кириши билан сизни далага олиб чиқардим?! Сиз чарақлаган офтобни, тиниқ осмонни, қўм-қўк майсаларни кўриб қувонардингиз. Эсингиздами, невараларингиз тегиб келган бойчечакларни кўзингизга суртиб, “омонлик-сомонлик” қилардингиз?..»

Дарҳақиқат, ёзувчи айтганидек, баҳор далаю боғлардан бошланади. Кечагина қаҳратонда уйга шошилган эдик. Ўша дамларда яшилликка, ранго-ранг гулларга тўлган кенгликларни қўмсаган эди дил. Мана, бугун қишнинг қировида ёпилган эшиклар очилди, айвонлар қалдирғочларнинг чуғурига тўлди. Баҳор даракчилари бу фаслда хонадонларга уя қуриб, кўпайиш ҳаракати-га тушди...

Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “**Бирон-бир мусулмон киши бир дарахт ўтқазса ёки бир**

нарсa эксa, бас, ундaн қуш, инсон тaновул этиб мaнфaатлaнсa, шу сабaбдaн у киши эҳсон қилгaнлик сaвoби-гa эришур”, деб марҳамат қилганлар. Шу маънода, баҳор келиши билан экин экиш ишлари бошланди.

Омир ибн Саъд ибн Абу Ваққосдан, у эса отасидан ривоят қилади. «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни севади, покизадир, покизалликни севади, карамлидир, карамлиликни севади, сахийдир, сахийликни севади**”» дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

Бу фаслни уйимизни обод қилишдан, ерга ниҳол қадаб, ундан баҳра олишдан, инсонларга яхшилик қилиш, қариндош-уруғларни йўқлаш – силаи раҳмдан бошлайлик. Зеро, умримизнинг ҳар баҳори ғаниматдир.

Мақсад РАҲМАТОВА,
Жондор тумани,
“Хўжа ҳайрон”
маҳалласи отинойиси

Ривоят қилишларича, Ҳасан Басрий ҳузурига бир киши келиб, унинг таниши устидан арз қилди. Сиз ҳақингизда фалон-фалон деди, деб бир қанча нохуш гапларни етказди. Ҳасан Басрий суҳбатдошини саволга тутди:

ГАП КЎТАРИБ КЕЛГАН ОДАМ...

- Уни қаерда кўрдинг?
- Ўзининг уйида, – жавоб берди хабарчи.
- Уйига нега бординг? – сўради олим.
- Меҳмонга чақирганди...
- Олдинга дастурхон ҳам ёздими? – деб суриштирди Ҳасан Басрий.

Шунда ҳалиги одам иштаҳа билан тановул қилган ноз-неъматларини бирма-бир санаб берди. Ҳасан Басрий унинг гапларини сабр билан тинглади-да, сўнг шундай деди:

– Ҳой яхшиликни билмайдиган инсон, ичингга шунча нарсa сиғибди-ю, мен ҳақимда айтилган бир оғиз сўз сиғмай қолдимиз?! Агар айтганларинг рост бўлса, ўша одамга тўрт гапим бор:

биринчидан, мен унга норозилик изҳор этиб ўтирмайман. Иккинчидан, кўнглимда унга гина ҳам сақламайман. Учинчидан, унга қарши бирор хатти-ҳаракат ҳам қилмайман. Тўртинчидан, қиёмат куни унга даъвоим ҳам бўлмайди. Ана энди бор-да, унга шуларни етказиб қўй! Зеро, бир жойдан гап кўтариб келган одам уни ортига кўтариб кетишни ҳам билиши керак.

Шу тарзда улуғ фақиҳ Ҳасан Басрий ғийбатчига чиройли ибрат кўрсатиб, чақимчилиги учун аччиқ сабоқ беради.



Икки авлод муаллими

Мактабда ўттиз йил она тили ва адабиёт фанидан дарс бердим. Тарбия ҳақида гап кетганда шунини айтиш мумкинки, бола – ўз оиласининг кўзгуси. Уйида қандай муҳит бўлса, мактабда ўшани кўрсатади. Тўғри, баъзан яхши оиланинг боласи ҳам нобоп йўлдан кетган ҳоллар бўлган. Сабаби, оилада бир хил тарбия, бир хил муносабат бўлгани билан болаларнинг феъл-атвори, фикрлаши турлича. Айтайлик, фарзандлардан бири оғир-бошиқ, ота-онанинг гапини икки қилмайди, бошқаси тўполончи: ерга урса, кўкка сапчийди.

Тарбиянинг энг машаққатли жиҳати ҳам ана ўша “қулоқсиз” болаларни тушуна билишда. Аммо уни нуқул тергасак, одобли болаларни ибрат қилиб кўрсатиб, келажакда юқори марраларга ета олмаслигини уқтираверсак, охир-оқибат бундай болада аламзадалиқ пайдо бўлади. Айримлари ҳатто янада қайсарлашади, насиҳатларга тескари иш тутат бошлайди.

Мен негадир ана шундай шўх болаларни кўпроқ яхши кўрадим. Мисол учун бир йили синфдаги энг тўполончи болани ҳатто синф сардори ҳам қилганман. Бу ишимдан бошқа ҳамкасбларим ҳайратланишган, синфимдаги аълочи ўқувчиларга бу ёмон таъсир қилишини айтишган.

Аммо аълочи болаларга қараганда бундай болаларда ташкилотчилик, бошқаларга таъсир ўткази олиш лаёқати бўлади. Ишонасизми, ўша ўқувчим бир чоракнинг ўзидаёқ ўзгарди, дарсларни яхши ўзлаштират бошлади. “Ахир сенга бутун синфни ишоняпман”, деган гап уни ўта масъулиятли, ўзига талабчан қилиб қўйди.

Яна бир масала бор: “иккичи” болани кўп ўқитувчилар ёқтирмайди. Аммо у нега “иккичи?” Аввало, шунинг сабабни аниқлаш керак. Айрим болаларнинг характери ўргансангиз, унда илмга эмас, ҳунарга қобилият яхшироқ бўлишини кузатасиз. Болани ана шу йўналишларда синаб, қизиқишини топа олсак, бу катта муваффақият.

Оиласида келишмовчилик, жанжал-тўполон бўлиб турадиган болаларга эса раҳмим келади.

Бир аёл ҳар ҳафтада жанжаллашиб, ота уйига кетаверарди. Болалар ўрта йўлда сарсон. Бир кун уйида бўлса, икки кун тоғасиникида юришгани учун уй вазифалари ҳам ўлда-жўлда эди. Бундай болаларнинг руҳиятида тушкунлик, хаёлга берилиш кузатилади, айримлари ўзини тенгдошларидан олиб қочади. Улар билан ҳар қанча ишланган, оиласидаги муҳит ўзгармас экан, руҳиятини кўта-

риш осон бўлмайди.

Тарбияси ўз ҳолига ташлаб қўйилган ёки ҳаддан зиёд эркалатилган ўғил-қизларда манмансираш, ўзини кўрсатиш кузатилади. Бундай болаларда ўқишга иштиёқ ҳам яхши бўлмайди.

Тарбияда қаттиққўллик керак деб ҳисоблайман. Аммо бу болани калтаклаш, зўрлаш дегани эмас. Унга таъсир ўтказиб, тўғри йўлдан чиқмаслиги, феъл-атвори дуруст шаклланиши учун тарбиявий усуллардан фойдалана билиш даркор. Мумтоз адабиётда бунга мисоллар жуда кўп.

Бир киши Луқмони Ҳакимнинг ҳузурига келиб:

– Эй устоз, бир одам мени нуқул калака қилади. Ёмон сўзлар айтади. Мен унга қандай жавоб қайтарай? – деб сўрайди. Шунда Луқмони Ҳаким:

– Сен унга бирон ножўя гап айтма, ўзингнинг гўзал хулқинг билан уялтир. Яъни, унга яхши муомалада бўлавер. Охири у беодоблигини англаб етади, – деб жавоб беради.

Демак, тарбияси яхши киши бошқаларни ҳам тарбиялаши мумкин. Зеро, ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Фарзандларингизни маҳкам тутингиз ва уларнинг одобларини гўзал қилингиз”**, деганлар (Имом Байҳақий ривояти).

Ширин ЭГАМОВА,

Ёрдам сўраб келган аёл тушкунликка тушиб қолганди. Ўғли оғир бетоблиги, тезда пул топиб, жарроҳлик амалиёти қилдирмаса, кўзлари кўр бўлиб қолиши мумкинлигини айтиб йиғлади. Уни юпатиб, албатта, имкон даражасида ёрдам берамиз, дедим.

Аёлнинг аммасини топиб суҳбатлашиб, унинг ўтмишидан хабардор бўлдим...

...Она фарзандини дунёга келтирди-ю, вафот этди. Чақалоқ бувисининг қарамоғида қолди. Буви гўдакни еру кўкка ишонмасди. Аммо ўғлига хотин, набирасига она керак эди.

Топилган ўғай онанинг қизалоққа тенгдош қизи бор эди. Иккаласини бирдек боқиб, меҳр кўрсатар, деб ўйлашди. Аммо ўғай она бундай қилмади. Кундан-кунга қизчага нисбатан ғазаби ортар, отаси ишга кетиши би-

лан қизалоққа зулм қиларди. Неча марта уни урганини кўриб қолган қариндошлари аёлнинг жавобини бериш кераклигини айтишди. Қизалоқнинг отаси у золим аёлдан воз кечди.

Яна уйланди. Буниси ҳам ўғайлик қилиб, қизчанинг қалб шишасини чил-чил синдирди. Учраганга ундан шикоят этиши мурғак қизчанинг қалбини яраларди.

Мактаб ёшига етиб, биринчи синфга қадам қўяр экан,

Сабот

каттиққўл ўқитувчи қўлига тушиб, қийналди. Ўзи ҳаётда меҳрга зор бўлиб ўсаётган қизчага нисбатан ўқитувчи томонидан берилаётган озорлар уни яккаликка маҳкум эта бошлади. Озгина баланд овоздан ҳам чўчиб кетадиган бўлди.

Унинг болалиги мана шундай изтироблар билан ўтди. Бу орада икки сингилли, бир укали бўлди. Отаси эса улар билан овора бўлиб қолди...

Қиз улғайиб, ўқишга кирди. Хола ва аммалари бош бўлиб, уни турмушга узатишди. Қизнинг қалб туғёнлари ҳеч сўн-

мади. Ўзини ҳаммадан қарздордек ҳис этди. Тўғри-да, онаси бўлса, қизини ўзи вояга етказиб, яхши жойга узатмасмиди? Онасининг дугонаси мен яра бўлган юрагига малҳам бўламан, меҳрим билан бошини силайман, деб келин қилиб олиб кетди. Кейин... У қайнона зулмига ҳам чидашга мажбур бўлди.

Барчасига сабр қилди. Икки ўғилли бўлиб, улар улғайгани сари қалби таскин топа бошлади. Болалари ўзига ёрдамчи бўлаётганини кўриб, севинарди. Аммо яна бир синов пешонасида бор эканки, дилбандига шу касаллик етди...

Аммаси сўзлаб берган бу ҳикоя таъсиридан кўзларим ёшланди. Наҳот етимни хор қилган инсонлар Аллоҳ даргоҳида қандай жазо борлигини билишмаса?! Ахир Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам етимни кафилликка олган кишига жаннатда ўзлари билан бирга бўлишини башорат берганларку! У зот алайҳиссалом: **“Мен билан етимни кафилликка олган киши жаннатда мана шундай ёнма-ён бўла-миз”**, дея кўрсаткич ва ўрта бармоқларини бир-бирига яқинлаштириб кўрсатганларку! (Муттафақун алайҳ).

Меҳригул ШОНАЗАРОВА,
Қизилтепа тумани
“Ҳафқориён”
маҳалласи отинойиси





Онани ранжитиш – кўрнамаклар иши

Она! Бу сўз қайси тилда ай-тилса ҳам, инсофли қалб бир энтикади.

Аллоҳнинг Каломида ҳазрати Исо алайҳиссаломнинг чақалоқлигида онага итоат борасида айтган сўзлари келади: **“Мени онамга меҳрибон қилди ва мени такаббурли, бадбахт қилмади”** (Марям сураси, 32-оят).

Исро сурасининг 23-оятида: **“Раббингиз Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга “Уфф!..” дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт!”** дея амр қилинган.

Афсуски, айрим фарзандлар онасини беҳурмат қилади, уларга қўпол гапиради, ҳатто қўл кўтаради. Айниқса, кўпчиликнинг олдида онага қўпол муносабат волидаларимизни қаттиқ ранжитади. Бунини фарзанд англаб етмайди, ўзи ота ёки она бўлганидан кейин тушунганида эса, кеч бўлади. Баъзилар онасини йўқотганидан кейин қадрига етади. Болалигимизда бизнинг инжиқликлари-

мизга оғринмаган, эркаликларимизни кўтарган инсонни кексайиб, боладек бўлиб қолганида беҳурмат қилиш кўрнамаклик бўлмайдами?! Сарвари олам соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам онани ҳурмат қилиш борасида биз умматларга кўп насиҳат қилганлар.



«Бир киши: “Ё Расулуллоҳ, энг чиройли муоламга ким ҳақли?” деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Онанг”**, дедилар. У киши: “Сўнг ким?” деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Онанг”**, дедилар. У киши яна: “Сўнг ким?” деди. Расулуллоҳ алайҳиссалом: **“Онанг”**, дедилар. У киши яна: “Сўнг ким?” деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Сўнгра**

отанг”, дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Абулаббос Қассоб айтади: «Бир киши Шайхнинг олди-га келди ва деди: “Мен ҳажга бормоқни ният қилдим”. Шайх: “Отанг ва онанг борми? Боргил, уларнинг ризосини излагил”, деди». Боязид Бистомий ҳазратлари: “Ҳамма ибодатлардан кейин онамнинг хизматини қилиб, розилигини олиш энг муҳим ишимдир”, деган.

Бугун онамизга қандай муносабат қилсак, бизнинг муомаламизни кўриб улғайган фарзандларимиздан худди ўша муомалани кўрамиз. Кўплаб инсонлар онасига яхши муносабат қилган куннинг баракотли ва хайрли бўлишини айтишади. Волидасини бир бора хурсанд қилганлар орасида шу куннинг ўзидаёқ ажр-мукофотга эришганлар кўп. Онага қилинган яхшилик, унинг дуосининг баракоти ва ижобатини қанча тез кўрсангиз, уларнинг норизолиги жазосини ҳам шундай тез кўрасиз.

Марям АБДУЛЛАЕВА,
*“Хадичаи Кубро”
аёл-қизлар ўрта
махсус ислом таълим
муассасаси раҳбари*

ҲОМИЛАСИ

билишиб қолган эди...

Хизмат мобайнида кўп хонадонларга турли ҳолатлар юзасидан боришимизга тўғри келади. Афсус, айрим лоқайд ота-оналар фарзандлари тарбиясига совуққонлик билан қарашади. Илм олишида, ҳунар ўрганишида, бирор касбнинг бошини тутишида эътиборсиз бўладилар. Айниқса, қизлар борасида “Турмуш курса, ўрганиб олади”, деб ўйлайдиганлар бор. Ҳолбуки, ҳали уларнинг кўплари ҳаётга тайёр эмаслиги боис ажримлар ёш оилалар ўртасида кўп кузатиляпти.

Оила қуришда йигит ва қиз никоҳ ёшига етган, маънан,

жисмонан соғлом бўлиши жуда муҳим. Тиббий кўрикдан ўтмай турмуш қуриш, вояга етмаганларнинг никоҳланиши ортидан ногирон болалар туғилиши кўпаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида эркак ва аёллар учун никоҳ ёши 18 ёш деб кўрсатилган. Никоҳ, аввало, фарзанд кўришдек мураккаб физиологик жараёндир. Эрта турмуш қуриш эса пуштсизликка ёки боланинг ой-куни етмай туғилишига, ҳомиланинг нотўғри ривожланишига сабаб бўлиши мумкин.

Никоҳдан олдин эса икки томон ҳам тиббий кўрикдан ўтишлари шарт. Бу соғлом оила барпо бўлишида катта омилдир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: **“Унинг аломатларидан (яна бири) – сизлар (нафси қондириш жиҳатидан) таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳри-**

бонлик пайдо қилганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган кишилар учун аломатлар бордир”, деб марҳамат қилган (*Рум сура-си, 21-оят*).

Албатта, икки жуфтидан бир оила пайдо бўлса, битта оила эса жамиятнинг бир бўғини ҳисобланади. Аммо эрта никоҳда ёш йигит-қизнинг бус-бутун оила қуриб кетиши қийин масала. Бу ажримларнинг кўпайишига, оилалар парокандалигига сабаб бўлмоқда, холос.

Туманимиздаги мактабларга бориб, юқори синф ўқувчилари билан турли мавзуларда суҳбатлар қилиб турамыз. Уларга, ўқувчиларнинг айтишидаги бурчи яхши ўқиш экани, Ватанга муносиб ўғил-қиз бўлишлари кераклигини ҳаётий мисоллар ёрдамида уқтирамыз.

Яқинда мактабларнинг бирида содир бўлган воқеа барчамизга ибрат бўлди. 9-синфда ўқийдиган қиз ва 10-синф ўқувчиси бўлган йигит жуда эрта турмуш қуришга мажбур бўлишди. Ота-оналари кичикроқ тўй қилиб ўтказишди. Улар-





нинг мактабга келишлари ҳам чекланди. Чунки қизнинг ҳомиладорлиги анча билиниб қолган эди. Тенгдошларига салбий таъсир қилмасин, дейишди.

Аслида, ҳозир улар илм олиш билан банд бўлишлари керак эмасмиди? Айни ўйнаб-куладиган, билимларини оширадиган пайтида ёшгина ота-она бўлиб бола боқишади! Ахир фарзанд тарбияси масъулиятли иш ку! Қилмишлари боис шаънларига ҳам яхши гап бўлмади.

Балоғатга етмаганлар оила масъулиятини қарердан ҳам билади? Чунки эр оила боқишга, она фарзанд тарбия қилишга қодир бўлиши керак.

Барчамиз авлодларимиз соғлом вояга етишини ва яхши яшашини истаймиз. Бола саломатлиги кўпинча онага боғлиқ. Соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Миллат соғлом бўлсин ва равнақ топсин десак, фарзандларимиз саломатлигига ва билимига алоҳида эътибор беришимиз лозим. Бунинг учун эрта никоҳнинг олдини олиш зарур.

**Раънохон
ФАЙЗИЕВА,**

*Паркент тумани
«Марказий» маҳалласи
отинойиси*

Саййида Нафиса

Имом Шофеъий касал бўлиб қолса, саййида Нафиса (Ҳасан розияллоҳу анҳунинг авлодларидан бўлган бир аёл)га одам юборар, хабарчи: “Амакингизнинг ўғли касал бўлиб қолди. Сиздан дуо қилишингизни сўраяпти”, дерди. Хабарчи қайтиб келгунича у тузалган бўларди.

Бир куни Имом Шофеъий яна касал бўлиб қолди. Нафисага одам юборди. Нафиса бу сафар: “Аллоҳ унга (Шофеъийга) Ўзининг муборак юзини кўриш мукофотини берсин”, деди. Хабарчи Шофеъийнинг олдига қайтиб келди. Шофеъий ҳали тузалмаган экан. Хабарчидан “Нафиса қандай дуо қилди?” деб сўради. Элчи бўлган гапни айтди. Бу гапдан Шофеъий яқин орада вафот этишини билди ва васият қилди. Васиятида: “Жанозамда Нафиса ҳам қатнашсин”, деб айтди.

Имом Шофеъий вафот этганида тобутини Нафисанинг эшиги олдига олиб келишди. Абу Ёқуб Бувайтий жанозага имом бўлди. Саййида Нафиса ҳам (ичкарида туриб) унга иқтидо қилди.

Бўхтонга қарши дуо

“Ва уфаввизу амри илаллоҳ, инналлоҳа басируи билъибаад”.

Маъноси: “Ишимни Аллоҳга топширдим. Албатта, Аллоҳ бандаларни кўриб тургувчидир”.

Ғазаб келганда дуо

“Аллоҳуммағфирлий занбий ва азҳиб ғойзо қолбий ва ажирний минаш-шайтонир рожийм”.

Маъноси: “Ё Раббим, гуноҳларимни кечиргин, дилим ғашлигини кетказгин ва шайтондан омон сақлагин!”

Хуснбузарлар кетиши учун дуо:

“Аллоҳумма, мусағғирал кабийри ва мукаббирас сағир. Сағғир ма бий”.

«Эй каттани кичик ва кичикни катта қилувчи Раббим! Мендаги хуснбузарни кичик қил (йўқ қил)».



Либосимиз – ўзлигимиз кўзгуси

ҳадисда: **“Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам (кийинишда) ўзини аёлларга ўхшатадиган**

**эркакларни ва эрка-
кларга ўхшаб кийи-
надиган аёлларни
лаънатладилар”**, дейилади (Имом Бухорий ривояти).

Либос соҳибининг диди, дунёқараши ва тарбиясидандир. Билиб-билмай маъноси салбий бўлган ёзувли ёки “мода” дея йиртиқ, ямоқ кийиниш инсонни обрўсизлантиради. Шунинг учун ҳам миллий қадриятларимизда, динимизда кийиниш мадания-

тига алоҳида аҳамият берилган.

Либос ҳарид қилаётганимизда тасвирларига эътибор бериш керак. Масалан, айрим футболкаларда калла суяги, тамаки, спиртли ичимликлар тасвири бор. Баъзиларидаги хориж тилида ёзилган ёзувнинг маъносидан уялиб кетасиз. Афсуски, болаларимиз менга шу ёқди, дея харид қилиб олишади. Масалан, йўл бўйидаги кийим дўкони ёнидан ўтиб кетаётсам, ўғлининг хархашасидан безор бўлган она: “Бун қандай киясан, кунлар совуқ бўлса, қара ҳам-

ма жойи йиртиқ?! Шу аҳволдаги кийим яна қиммат”, дейди. Менинг назаримда бу бола кимгадир ҳавас қилиб, шу либосни олиш ниятида. На саломатлигига, на маданиятига манфаатли бўлмаган бундай либосларни олиб бермаслик учун боламизнинг қизиқишларини ўрганишимиз, йўлга солишимиз керак.

Хўш, бу ҳолга қандай чек қўйиш мумкин?

Тарбия оиладан бошланади. Ота-она фарзандига ибрат бўлиши керак. Боламиз учун кийимлар харид қилишда эътиборли бўлайлик. Нобоп кийинган таниш-нотанишларга насиҳат қилиш, кези келса, даkki беришдан асло эринмайлик. Бола кийинишида кимга тақлид қиляпти? Бун нazorат қилайлик.

Яна шуларни ҳам билиб қўйиш фойдалидир: кийимни ўнг томондан бошлаб кийиш – суннат амал. Либос кийганда айтиладиган дуо ҳам бор: **“Алҳамду лиллаҳиллазий касааний ҳаза ва розақонийҳи мин ғойри ҳавлин минний валаа қуввах”**. Яъни, “Барча ҳамду санолар менинг ўзимда ҳеч қандай куч-қудрат ва имконият бўлмаган ҳолда бу либосни менга кийдирган ҳамда ризқ қилиб берган Аллоҳга хосдир”.

**Юлдузхон
АБДУРАҲМОНОВА,**
Қўқон шаҳридаги
“Ашурали Зоҳирий”
маҳалласи отинойиси



Аллоҳ таоло Қуръони каримда: **“Эй Одам авлоди! Сизларга авратларингизни беркитадиган либос ва патлар (зийнат кийимлари)ни туширдик. (Аммо) тақво либоси – бу яхшироқдир. Бу(лар) Аллоҳнинг мўъжизаларидандир. Шояд, (бун)и эслаб кўрсалар!”** (Аъроф сураси, 26-оят) дейди.

Бироқ бугун айрим йигит-қизларнинг кийинишларида очиқ-сочиқликни кўрамиз. Ачинарлиси, аёлнинг эркакка хос кийиниши урф бўлди.

Абдуллоҳ ибн Аббос розиаллоҳу анҳумо ривоят қилган



Яхшилик иморати йиқилмас

Олис вилоятдан пойтахтга келган усталар бир хонадонда иш бошлади. Уй эгаси инсофли экан. Айниқса, унинг бир девор қўшниси бўлган Зухра опа усталарга тез-тез турли таомлар пишириб чиқади.

Қурилиш ишлари анча давом этди. Куз фаслида Зухра опанинг дарвозаси олдига экилган ёнғоқ етилди. Усталар аҳён-аҳёнда унга қўл чўзадиган бўлишди. Бир куни эса меҳрибон аёл икки челақ ёнғоқни “Енглар, қувват бўлади”, деб ташлаб кетди. Усталар ёнғоқ ўғирлаганидан хижолат бўлишди.

Яна бир куни Зухра опанинг ҳовлисида фарқ пишган хурмони кўриб, усталардан бири томдан ошди... Опа уни кўриб қолибди-ю, индамабди.

Эртаси куни икки челақ хурмо кўтариб чиқди:

– Болаларим, ҳорманглар, ишлар билан толиқмадингизларми? Сизларга хурмо олиб чиқдим, келинглар, бироз дам олинглар.

Усталар қўлларини ювиб онахоннинг олдига келиб ўтиришди.

– Барака топинглар, қўлинглар дард кўрмасин. Иморат жуда чиройли чиқяпти, – деди Зухра опа. – Бир куни қўшнимизнинг боғига бир йигит хурмо олиш учун тушибди. Унинг дарахтдан йиқилиб тушганини эшитиб, хавотир олдим. Маҳалламизда ҳамма бир-бирига меҳрибон, нонимиз ҳам, ҳосилимиз ҳам ўртада. Атанг, бир оғиз сўрамабди-да, жароҳат олиши мумкин эди, деб қўйдим.

Донишмандлар: “Сен “яхши” деган номдан иморат тикла. Одамлар бу иморат девори-



га номингни “Яхши” деб ёзиб қўйишин”, дейишган. Зухра опа ҳам ўз номини инсонлар қалбига ёзиб қўя олди.

Ҳозир у орамизда йўқ. Эшитдикки, унинг вафотини эшитиб, олис вилоятдан ўша усталар таъзияга келибди...

Шундай экан, азизлар, имкони борица яхшилик қилайлик, буни уддалай олмасак, ҳеч йўқ, ёмонлик қилмайлик.

Хонбиби ҲИММАТ қизи,
журналист

Интизом – хайрли хислат

Инсонларга муаллим этиб юборилган Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: **“Ишларнинг Аллоҳга энг севимлиси оз бўлса-да, давомли бўлганидир”** (Имом Бухорий ривояти).

Бир гўзал хислат бор. Агар инсон шу хислатга эга бўлиб, унга амал қилса, кўп яхшилик ва муваффақиятларга эришади. Бу интизом ва қатъиятдир. Яъни, ўзини ҳар куни оз-оздан тарбиялаб бориш усули. Масалан, инсон ҳар куни бомдод намозидан кейин ярим соат Қуръон тиловати (зикрлар, китоб мутолааси) билан мунтазам машғул бўлса, қирқ кунда бу одатга айланади. Чинакам хоҳиш ҳамда ихлос билан одатни кун, ҳафта, ой эмас, йиллаб да-

вом эттириш, албатта, натижага эриштиради.

Инсон олдига мақсад қўяр экан, унга етишиш йўлида доим интилиши лозим. Муваффақият учун интизом муҳим.

Фарзанд тарбиясида болада ҳам интизом шаклланиши учун фойдали ишни ҳар куни мунтазам бажаришига шароит яратиб беринг. Масалан, куннинг аниқ бир вақтида ҳар куни олдин сиз китоб ўқиб беринг. Кейинчалик у ўқисин, сиз тингланг. Бора-бора бундай такрорлар унинг одатига айланганини кўрасиз. Дарсларини тайёрлаш жараёнидаги тартиб-интизомни ҳам шу усулда шакллантиринг.

Нилуфар АБЛАЕВА,
Тошкент шахри



(Давоми, бошланиши
ўтган сонда.)

Савоб умид қилиш ҳақидаги суҳбат нима учун керак?

Эй нозик ниҳол! Баъзида солиҳ амал қилишга ҳеч хоҳишингиз бўлмайди. Яъни, яхши иш учун ўзингизда куч тополмайсиз.

Эҳтимол, сиз айнан қайси савобни умид қилишни билмаётгандирсиз. Баъзида бирор солиҳ амал қилишга

намизми? У ҳолда охиратимизга нима қолади?!

Амал дафтарингизда барча амалларингизни Аллоҳ учун эмас, балки одамларга шахсий муносабатингиздан келиб чиқиб қилганингизни кўрсангиз, қай аҳволга тушасиз?!

Кунлар тез ўтмоқда. Аллоҳнинг розилигини истаб кўп амал қилинг. Айримлар солиҳ амал қилишдан ўзини тияди.

дан фақирликка, омонликдан хавф-хатарга, бўшлиқдан бандликка, ёшлиқдан қариликка, ҳаётдан ўлимга ўзгариши.

4. Охират тарозисида оғир бўлиши учун амалларингизни кўпайтиришга муҳтожсиз. Зеро, инсон ёлғон, ғийбат, чақимчилик, масхара билан солиҳ амалларини

Ҳар куни қандай

ўзингизда куч топасиз-у, лекин кимдир бу ишингизни маъқулламайди.

Яхшилик қилишга уринсангиз, ўша заҳоти иймони заиф кимсалардан “Қилаётган бу ишингизга улар арзимайдми”, “Қанча ёрдам берсангиз ҳам, улар сизга бир марта ёрдам қилмайдми”, “Қимматбаҳо ҳадя берган дугонангиз қачондир сизга совға берганми?” қабилидаги гапларни эшитасиз.

Демак, бизни рози қилсалар, яхшилик қиламиз, агар жаҳлимизни чиқаришса, уларга ёмонлик қилишга ури-

Хатто баъзи яхши ишларни заифлик ва хорлик деб ҳисоблайди. Масалан, кечиримлик ва ҳалимликни!

Шу боис савоб умид қилиш ҳақидаги суҳбатга муҳтожмиз.

Барча ишларда савоб умид қилинг

1. Вақтнинг тез ўтиши. Бундан кўпчилик азият чекади. Бежиз “Ўтган кечани бутун ер аҳли ҳам қайтара олмайди”, дейилмайди.

2. Тўсатдан келадиган ўлим. «**Айтинг: “Сизлар қочаётган ўлим, албатта, сизларга йўлиқувчидир! Сўнгра сизлар яширин ва ошкора нарсаларни билувчи Зотга (Аллоҳга) қайтарилурсиз. Бас, (У) сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур”**» (Жумъа сураси, 8-оят).

3. Ҳолларнинг соғлиқдан бетобликка, бойлик-

бой бериб қўяди. Қилмишлари сабаб дўзахга юзтубан ташланади.

Дарҳақиқат, қиёмат куни тоғдек яхшиликлар билан келасиз. Биргина тилингиз туфайли захирангиздан айриласиз. Демак, тил офатларидан энг кўп насиба олувчи бўлманг. Зеро, тарозидан юк босадиган яхшиликларга қанчалар муҳтожмиз.

5. Аллоҳ (ҳақи)га нисбатан камчиликка йўл қўяётганингизни ҳис қилишингиз. «**Бирор жон: “Аллоҳ ҳақида (Унга ибодат қилишда) сусткашлик қилганимга афсус! Ростдан ҳам мен масхара қилувчилардан бўлган эдим”, деб қолмаслиги учун...**» (Зумар сураси, 56-оят).

6. Аллоҳ таолонинг азобидан қўрқиш. “**Улар учун Аллоҳдан бошқа дўст ҳам, оқловчи ҳам бўлмаган ҳол-**



да Парвардигорлари хузурига жам бўлишларидан қўрқадиганларни у (вахий) билан огоҳлантиринг, зора тақволи бўлсалар!» (Анъом сураси, 51-оят).

7. Савоб олишга ғайрат қилиш. «Иймон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотларни, албатта, жаннатда остидан анҳорлар оқиб турадиган кўшкларга жой-

матда ўзларини бу дунёда) гўё кундуз куннинг бир соатича тургандек сезишиб, бир-бирларини таний бошлайдилар.» (Юнус сураси, 45-оят).

“Гўё кундуз куннинг бир соатича тургандек сезишиб”, яъни дунёда бир муддат тургандек бўладилар. Улар узоқ муддатни кам санаганлари сабаб ёки умрларини беҳуда ўтказганлари

савоб топасиз?



лаштирурмиз. Улар у ерда мангу қолурлар. (Яхши) амал қилувчиларнинг (қиёмат куни оладиган) мукофоти нақадар яхшидир!» (Анқабут сураси, 58-оят).

8. Дунё ҳаёти фоний экани. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: «Ёки азобни кўрган чоғида: “Агар менга яна бир марта ортга (дунёга) қайтиш бўлганида гўзал амал қилувчилардан бўлар эдим”, демасидан олдин...» (Зумар сураси, 58-оят).

Ўша узоқ йиллар қаерга кетди?!

Ҳеч шубҳа йўқки, дунё ҳақидаги гаплар энг кўпи билан икки кунда тугаб битади. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: “Уларни жамлайдиган кунда (қиё-

боис бор дунёни йўққа чиқаришади. Охиратдаги азобнинг қаттиқлигидан эса дунё лаззатини худди у бўлиб ўтмагандек унутиб юборадилар.

“Бир-бирларини таний бошлайдилар”. Яъни, айримлар айримларни танийди. Бу ҳолат уларнинг қабрдан чиқаётганларида рўй беради. Сўнгра олдиларидаги ақллари лол қолдирадиган даҳшатли ишларни кўриб ўзаро танишиш тўхтайтиди. Бир ўринда: «Ўзаро танишиш қоралаш танишуви бўлади. Баъзилар баъзиларга: “Сен мени залолатга бошладинг, мени адаштиринг”, дейдилар», дейилган (“Фатҳул Қодир”).

Юлдуз КОМИЛОВА
таржимаси

ҚАНДАЙ БИЛСАМ БЎЛАДИ?

Донишманддан бир киши сўради:

— Аёлим мени севишини қандай билсам бўлади?

Донишманд деди:

— Агар қуйидаги 14 хислат аёлингда мужассам бўлса, у сени севади.

— Улар қайсилар?

Донишманд қуйидагиларни санаб берди.

1. Сени ва сен яхши кўрган кишиларни ҳам яхши кўрса.
2. Унинг фикрига қарши чиқсанг, ғазабланмаса.
3. Ғазабинг ва ранжишингдан таъсирланса.
4. Сен билан ширин суҳбат қуриш учун мавзулар топишга ҳаракат қилса.
5. Бирор иш қилиши ёки қарор қабул қилишидан олдин сен билан маслаҳатлашса.
6. Арзимас ҳада берсанг ҳам, хурсанд бўлса.
7. Сенга енгиллик яратишга, бирор юмушингда кўмаклашишга ҳаракат қилса.
8. Уйга кеч келсанг, хавотир олса.
9. Сени рози қиладиган ишларга интилса, ёқтирмаган, ғазабингни келтирадиган ишлардан йироқ бўлса.
10. Сен учун азиятларга бардош берса.
11. Гуноҳ иш қилсанг, сени огоҳлантирса.
12. Савоб ишларингни қўллаб-қувватласа.
13. Аллоҳга яқин бўлишингда мадад берса, сен билан бирга тоат-ибодатларга бардошли бўлса.





Қариндошликнинг қиймати

лақо йўл қўйманг!” (Исро сураси, 26-оят) дейилади. Бугун қариндош қўнғироқ қилса (йўқлаб келиши-ку қийин масала бўлиб қолди), “Тинчликми, нима гап?” дейдиган бўлиб қолдик. Сабаби биров бировга шунчаки ҳол-аҳвол сўраш учун эмас, ҳожати тушсагина қўнғироқ қиладиган бўлди. Вақти келганда бир ота-онанинг фарзандлари, ака-ука, опа-сингиллар ҳам бир-бирига ёмонлик қилиш пайида. Айниқса, мерос масаласида, ота-онанинг мулкига келганда “Ҳаммаси менга бўлсин”, дейишади.

Қариндошлик ришталари инсонларнинг меҳр-муҳаббатли бўлишга, бир-бирини қадрлашига сабаб бўлади. Бу шундай муносабатки, яшашдан маъно, ўтаётган кунидан ҳузур ва самимийликни ҳис қилади. Бироқ бегоналардан кўра мана шу яқинларнинг дилга берган озори азобли бўлади. Афсуски, бугун қариндошлар орасида арзимаган сабаблар билан йиллаб гаплашмайдиган, у билан алоқаларини узишга чақираётганлар бор. Энг ёмони эса айримлар бой, мансабдор жигарлари билан манфаати сабаб ришта боғлаганлар, мушкул иш тушганда муносабатларни узиб юборишади.

Қуръони каримда **“Қариндошга, мискин ва йўловчига** (хайру эҳсон қилиш билан) **ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мут-**

Баъзи қудаларнинг ҳам муносабатлари, икки оиланинг бахти қиз ёки йигит томоннинг сарполарига боғлиқ бўлиб қоляпти. Уялмасдан қиммат нарсаларни қилишни талаб этишади, агар айтганидай бўлмаса, жанжал қилишади. Қиз боланинг одоби, тарбияси эмас, отасининг бойлигию қилаётган матоҳларига қаралади. Хатто, айрим ҳудудларимизда йигитларга келин томон машина қўшиб бераяпти, бунини кўрган бошқалар ҳам шундан умид қиляпти. Ёки бўлмаса, келин тараф қудага тилла тақинчоқлар жамланмасини

ҳадя қилиш... Баъзи маросимларда ҳаддан ошиш атрофимиздагиларга озор етказиши ажримларда, низоларда кўриниб қоляпти.

Силаи раҳм – мўминнинг сифати. Инсон, аввало, муҳтож яқинлари ҳолдан хабар олиши, уларга ёрдам бериши керак. Ҳар бир инсоннинг мақсади ўткинчи дунёнинг буюмларини йиғиш эмас, савоб амалларни кўпайтириш бўлсин. Агарда яқинларимизнинг ана шундай ҳолатларини кўрсак, эътиборсиз бўлмайлик. Насиҳат қилиш, ўрнатиб қилиш билан уларни тўғри йўлга бошлайлик. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар: **“Мўмин мўминнинг кўзгусидир”** (Имом Абу Довуд ривояти). Биз қариндошларимизнинг гуноҳ қилишларига, бир-бири билан силаи раҳмни узишларига йўл қўймай, Сарвари олам айтганларидай, уларга кўзгу бўлиб, ислоҳ бўлишларига кўмак берайлик. Иншоаллоҳ, бу ишнинг ажру мукофоти-ни оламиз.

Роҳила ОТАБОЕВА,
Янгиқўрғон тумани

Яхши кўшни рўзгорингизга қарашиб, тўй-тантанангизда хизматингизда бўлади. Узоқдаги қариндошингиз етиб келгунича, ён кўшнингиз жонингизга оро киради. Фарзандингиз тарбиясида ва баъзан пулга муҳтож бўлиб қолганингизда ҳам дастлаб ундан кўмак оласиз. Шундай кўшникилар борки, онангиздай меҳрибон, отангиздай маслаҳатгўй. Халқимиз қадимдан яхши кўшничилик анъаналарига амал қилади. Мақолларимизда ҳам бу ўзифодасини топган: “Ҳовли олма, кўшни ол”, “Узоқдаги қариндошдан яқиндаги кўшни яхши”.

Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Эй Абу Зар, шўрва пиширсанг, сувини кўпроқ сол-да, кўшникларингга ҳам чиқар”**, дедилар (Имом Бухорий ривояти). Кўшничилик ҳақиқа Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам алоҳида эътибор берганлар. Кўшника овқат бериш, унга тил билан озор бермаслик ва бошқа бир қатор кўшничилик ҳақлари келтирилади. Шу сабабли яхши кўшни бўлишга, бу орқали Пайғамбаримиз алайҳиссалом суннатларига амал қилишга ҳаракат қилинади. Бироқ бугунги кунда кўшнингиз ҳақларига амал қилмайдиганлар, уларга тили билан ҳам, амали билан ҳам озор берадиганлар бор.

Кўшничилик ришталарини аввало аёллар боғлайди-лар. Аммо кўпинча кўшничиликка путур етишига ҳам аёллар сабаб бўлиб қолади. Арзимаган тортишувлар, муро-са қилиш ўрнига бир-бирдан айб излаш натижасида неча йиллик кўшничиликка путур етади.

Аллоҳ таоло Каломиди: **“Аллоҳга ибодат қилингиз ва Унга ҳеч нарсани шерик қил-**

Кўшникилар ҳақини унутмайлик


мангиз! Ота-оналарга эса яхшилик қилингиз! Шунингдек, қариндошлар, етимлар, мискинлар, қариндош кўшники бегона кўшни, ёнингиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи (му-

софир)га ва кўл остингиздаги (қарам)ларга ҳам (яхшилик қилинг)! Албатта, Аллоҳ кибрили ва мақтанчоқ кишиларни севмайди”, дейди (Нисо сураси, 36-оят).

Кўшникдан озор кўриб, у туфайли дили ранжиган инсонлар оз эмас.

Олим ака ва Лола опа ҳам ён кўшникларининг қилган ишидан қаттиқ хафа бўлишди. Бир девор кўшники ҳовлисидаги чиқиндиларни тез-тез ёқар, тутунидан уйда нафас олиб бўлмасди. Бетоб бўлган Лола опа Олим акага кўшника бундай қилмасликни айтиш-ни, тутун сабаб нафас йўли касаллигига чалинганини айтиб, шикоят қиларди. Қизларини узатиб, ҳовлида ёлғиз қолган кексалар ёш кўшники билан муро-са қилишга ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, Нодир: “Бу менинг ҳовлим – истаганимни қиламан, сизнинг ҳовлингиз бошқа бўлса”, дерди. Тегишли идораларга арз қилишга андиша қилиб сабрли бўлишди. Лекин бошқа кўшникилар ҳам бу тутундан озорланиб, тегишли идораларга мурожаат қилиб, зарар берувчини жавобгарликка тортишди. Бундан ранжиган Нодир жаримани тўлади-да, ҳовлини сотиб, бошқа ерга кўчиб кетди.

Мана шундай – ўзининг айбини билмай,



бошқаларни ранжитадиган, улар билан мураса қилмайдиган қўшнилари ҳам бор. Қўшнига озор бермасликни унутган айрим кимсалар ғайирлик қилиб, ҳаттоки қўли билан ҳам озор беряпти.

Азизлар, қўшнининг ҳақиқага эътиборли бўлайлик, уларга озор бермасликка, муносабатларни яхшилаб, аҳил бўлишга ҳаракат қилайлик. Зеро, бу амалимиз билан ҳам савобга эришамиз.

Ҳасан Басрий айтиди: «Сўрадилар: “Ё Расулуллоҳ! Қўшнининг қўшнида нима ҳаққи бор?” Айтдилар: **“Агар қарз сўраса, унга қарз бергин; агар касал бўлса, бориб кўргин; агар сендан ёрдам сўраса, ёрдам бергин; агар бир яхшилик етса, табриклагин; агар ўлса, шаҳодат қилгин; агар бирор жойга кетса, уйини ва манзилини сақлагин. Унга қозонда гўшт қовуриш билан азият етказмагин, агар шу ишни қилсанг, пиширган таомингдан бергин”** (Бошқа хабарда яна ушбу қўшимча бор) **“Уйингни унинг уйдан узун (ёки катта) қилмагин, магар розилиги билан бўлса, майли”**».

Тўхтанор
НУРИДДИНОВА,
Бухоро тумани

“Иликузилди” да фойдали

“Иликузилди” пайтида, баҳор фаслида исмалоқ, жағ-жағ, ялпиз сингари кўкатлардан турли таомлар тайёрланади. Сабаби, улардаги кўплаб витаминлар инсон танасини тиклаш ва яхшилаш учун айна муддаодир.

Минерал тузлар, А, В, С, D витаминлари ва турли микроэлементларга бой исмалоқ қонни кўпайтиради ва ошқозон беэи фаолиятини яхшилайди. Жағ-жағ иштаҳа очилишида, меъда ширасини ажралишида фойдали. Мадор ўсимлигида кўп бўлган оқсил моддалари баҳор ойларида инсон танасига яхши қувват беради.



Исмалоқдан тайёрланган дамламалар

10 gr исмалоқ баргини 1 пиёла сувга дамлаб ичилса, қабзият ва ичакларда газ тўпланишининг олдини олади.

Янги узилган исмалоқдан тайёрланган дахлама билан томоқни чайиш милклар ва бодомсимон без ялиғланишида тавсия этилади. Бу дахлама асаб тизимини тинчлантириш хусусиятига ҳам эга. Дамлама кунига 3 маҳал 50 gr дан ичилади.

Аллергияга қарши яшил шўрва

Керакли маҳсулотлар: Мол гўшти – 320 gr, картошка – 3 дона (катталиги ўртача) – 150 gr, пиёз – 1 дона, сабзи – 1 дона, ўсимлик ёғи – 1 ош қошиқ, шовул – 100 gr, укроп – 20 gr, петрушка – 20 gr, тухум – 2 дона, туз – 8 gr.

Тайёрлаш вақти – 40 дақиқа.

Тайёрланиши: гўштни тозалаб сирланган идишга жойлаштирамиз ва унга 1,5 литр совуқ сув қўшамиз. Идишни паст оловга қўйиб, қайнашигача кутамиз. Шўрва қайнашни бошлаганда, пайдо бўлаётган кўпикни чиқариб оламиз. Гўшти пишгач, уни идишдан олиб, тўғраб оламиз. Пиёз билан сабзини алоҳида идишда, 1 ош қошиқ ўсимлик ёғида 2–3 дақиқа қовуриб оламиз, сўнг шўрвага қўшамиз. Картошкани майда тўғраб, сўнгра гўштни, қайнатилган тухумни ва кўкатларни ҳам тўғраб, туз аралаштириб соламиз. Бу егулик мазалироқ бўлишини хоҳласангиз, таомни сузиш вақтида ҳар бир косага 1–2 чой қошиқ қаймоқ қўшиб, ёнига бир бурда қора нон қўйиш мумкин.

